



VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2012 йил 15 октябрь, № 8 (19)

**Ўзбек футболлига
100 йил тўлди**
16-бет



**Ўзбекистон
ўсмирлари -
Осиё чемпиони**
11-бет



Номзодларнинг
илк теледебати:
**Ромни Обамадан
устун келди**
6-бет

**Грин Кард
«суюнчиси»
— 3000\$?**
12-бет

Туркия — Сурия
можароси.
Кўзга кўринмаган қасос
ёки навбатдаги
ИФВО **10-бет**



**Ўзбекистонлик
альпинистлар —
Илёс Тухватуллин ва
Иван Лобановларни
қидириш тўхтатилган**
4-бет



UZBEKISTAN airways

**Нью-Йорк - Ташкент - Нью-Йорк
ПРЯМОЙ! УДОБНЫЙ! РОДНОЙ!**

по низким ценам осенне-зимнего сезона

Только на нашем рейсе для Вас:
Два места багажа по 32 кг. на каждого пассажира
старше двух лет **БЕСПЛАТНО !!!**

400 Kelby street 16th floor
Fort Lee, NJ 07024
TEL: 1 - 201 - 944 - 4474
FAX: 1 - 201 - 944 - 4407
EMAIL: uzbekair@aol.com

Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: www.vatandosh.com/obuna

Абдулазиз Комилов Афғонистон масаласида яна бир бор Ўзбекистон ташаббусини илгари сурди

БМТ Бош ассамблеясининг 67-сессиясида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Марказий Осиё минтақасида ичимлик суви танқислиги тобора чуқурлашиб бораётганини қайд этиб, БМТ шафелигида Афғонистон масаласи бўйича мулоқот гуруҳини таклиф қилди.

БМТ янгиликлар марказининг хабар беришича, Абдулазиз Комилов Афғонистон масаласи хусусида фикр юритар экан, "2014 йил охирига қадар Афғонистондан халқаро кучларнинг олиб чиқиб кетилиши ва мамлакатда хавфсизликни таъминлаш янги ташкил этилган афғон миллий хавфсизлик кучларига ўтказилиши ечиш мушкул бўлган муаммоларни туғдириши мумкин", деб таъкидлади. Унинг фикрича, воқеаларнинг шундай ривожланиши Афғонистон ва унинг атрофидаги қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг янада авж олишига, экстремизм ва радикализмнинг ўсишига, наркотрафикнинг янада кўпайишига, минтақада зиддиятнинг ортишига хизмат қилиши мумкин.

"Мана шундай шароитда Афғон муаммосини ҳал этишнинг энг мақбул йўли, шубҳасиз, БМТ шафелигида мулоқот гуруҳини ташкил этишдир. Бу мулоқот гуруҳи Афғонис-

тонга қўшни давлатлар, шунингдек, АҚШ, Россия ҳамда НАТОни ўз ичига қамраб олади", деди Ўзбекистон ташқи ишлар вазири.

Вазирнинг қайд этишича, ушбу мулоқот гуруҳининг асосий вазифаси "ўзаро курашаётган томонлар ўртасида компромисс ва келишувга эришиш ва шу асосда Афғонистоннинг ҳарбий можароларга жалб қилинган барча этно-миллий ва диний гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилувчи коалиция ҳукуматини шакллантириш"дир.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Марказий Осиёдаги сув муаммосига тўхталар экан, асосий сув манбалари Амударё ва Сирдарё бўлган минтақадаги сув-энергетика масалалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари асосида кўриб чиқилиши керак, деб қайд этди.

"Биз Сирдарё ва Амударёнинг юқори қисмидаги барча гидротехник



Сурат БМТ янгиликлар марказига тегишли.


иншоотлар қурилиши бўйича лойиҳалар БМТ шафелигида нуфузли халқаро экспертизадан ўтиши ҳамда мазкур дарёлар қуйи қисмида жойлашган давлатлар билан келишилиши тарафдоримиз", деб қайд этади Ўзбекистон вазири, шу жумладан.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири БМТ ялпи мажлислари доирасида Сингапур ташқи ишлар ва

адлия вазири Касивисванатхан Шанмугам, Туркменистон ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, АҚШ давлат котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бернс, Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Туркия ташқи ишлар вазири Аҳмед Довутўғли ҳамда Эстония ташқи ишлар вазири Урмас Паэт билан икки томонлама мулоқотлар олиб борди.

ХВЖ: Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши 2012 йилда 7,4 фоизни ташкил қилади

Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръати юқори бўлишини маълум қилди. Халқаро ташкилот экспертларининг ҳисоб-китобига кўра, 2012 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 7,4 фоизга ўсади. Ваҳоланки, шу йил апрелида бу кўрсаткич 7 фоизни ташкил этиши мумкинлиги қайд этилган эди.



2013 йилда эса Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ўсиш кўрсаткичи 6,5 фоизга ортади, деб қайд этилади ХВЖнинг "Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг истиқболлари" мавзудаги маърузасида. Айни чоғда жамғарма Ўзбекистонда инфляция кўрсаткичлари 12,9 фоизга ортишини башорат қилмоқда. Бу кўрсаткич 6 ой бурун 12,7 фоизга баҳоланган эди. Истеъмол товарлари нархидаги ўсиш суръатлари эса 2013 йилда 10,7 фоизга пайсиши айтилмоқда. Апрельда жамғарма экспертлари бу кўрсаткич 10,9 фоиз бўлишини тахмин қилишган эди.

Осиё тараққиёт банки эса 2012 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсишини прогноз қилаётган бўлса, Ўзбекистон ҳукумати бу кўрсаткич 8,2 фоиз атрофида бўлишини тахмин қилмоқда.

ХВЖ, шунингдек, Қозоғистон ялпи ички маҳсулоти 2012 йилда 6 фоиз ўрнига 5,5 фоиз ўсишини тахмин қилган. Дунё миқёсида эса ХВЖ ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари сусайишини, иқтисодий барқарор ривожланиши учун ҳали вақт борлигини қайд этди.

Vol. 8 (19). Monday,
October 15, 2012

Publisher:
Farhod Sulton
farhod@vatandosh.com

Deputy Editors:
Murod G'afurov

Mavlon Shukurzoda
shukurzoda@vatandosh.com

Managing Editors:
Jora Bo'takoz
Lutfulla To'ra
Narkhudja Sadikov
Abdulvohid Sabri
Abdurahim Khamidov
Abdurahmon Mamanjanov
Ubaydulla Noorota
Hikmat Sulton
Tamara Nazarova

Web Developers:
Shohruh Kenjaev

Partner organization:
**Uzbek Association of
Commons**

**Editorial and Executive
office:**

2705 Coney Island Ave.
Brooklyn, NY. 11235
Phone: 646.397.0325
Web: www.vatandosh.com
Email: info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher. The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view. We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.

"ВАТАНДОШ"ГА ОБУНА БЎЛИНГ:

Газетамизга обуна бўлинг. "Ватандош" ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

www.vatandosh.com/obuna

Тошкентда Ўзбекистон — Америка муносабатлари ғалвирдан ўтказилди

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди, деб хабар беради Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, илмий тадқиқот ва таълим муассасалари вакиллари, эксперт ҳамда мутахассислар қатнашди.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан. Ўтган давр мобайнида икки давлат ўртасида бир неча бор олий ва юқори даражадаги ташрифлар уюштирилди ва ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди.

Давра суҳбатидаги мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Америка ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ҳамда хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида давлатларо муносабатлар ўрнатиш жараёнига юсак баҳо бердилар. Ўзбекистон - АҚШ мулоқотининг изчил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида 2002 йилда Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация имзоланганини қайд этиш жоиз. Ҳозирги кунда давлатларимиз ҳамкорлиги ушбу декларация қоидаларига мувофиқ конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш тамойиллари асосида изчил тараққий этмоқда.

Давра суҳбатида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқаларнинг устувор йўналишларини белгиловчи мазкур декларацияни амалга ошириш натижалари кўриб чиқилди, икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

АҚШнинг Ўзбекистонда-

ги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Крол мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланаётганини қайд этди:

- Мамлакатларимиз ўртасида ўн йил аввал имзоланган декларация ҳукуматларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг барча асосий йўналишларини ўзида мужассам этган. Дек-

нинг фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат сифатида минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Муҳокама чоғида терроризм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тартибини ва чегаралар хавфсизлигини таъминлаш каби йўналишларда самарали амалий ҳамкорлик олиб борилаётгани қайд этилди.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистондаги макро-


ни тортади. Бу аҳоли фаровонлигининг ошаётганидан далолатдир. Бугунги кунда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар фаол ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган ва изчил ривожланаётган ҳамкорлик улкан истиқболга эга, деб ўйлайман.

Давра суҳбатида Ўзбекистон иқтисодиётининг машинасозлик, металлчи қайта ишлаш, энергетика, нефть ва газ қазиб олиш, кимё саноати, электр техникаси ва тоғ-кон саноати каби тармоқларига АҚШ компанияларини жалб этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришнинг устувор йўналишларидан экани таъкидланди.

Икки мамлакат муносабатларида гуманитар ҳамкорлик, хусусан, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш каби соҳалар алоҳида аҳамиятга эга. Иштирокчиларнинг сўзларига кўра, икки давлат илмий тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни фаоллаштириш гуманитар ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиши мумкин.

Элчи Жорж Кролнинг таъкидлашича, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик нафақат давлатларо алоқаларни ривожлантириш, балки халқларимиз ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда. Хусусан, бу борада икки мамлакат фуқаролик жамияти институтлари ҳамда қонунчилик органлари ўртасида изчил ривожланиб бораётган самарали ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун фойдали эксперт майдони бўлиб хизмат қилувчи бундай тадбирларни мунтазам ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Батафсил ва конструктив баҳс-мунозаралар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни стратегик ҳамкорлик руҳида янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.



ларация турли соҳалар, жумладан, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда иқтисодий-ижтимоий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим ҳужжатдир. Ўйлайманки, мазкур декларацияни амалга ошириш доирасида ҳамкорликда жуда кўп иш қилишга муваффақ бўлди ва бу борадаги ишларимизни давом эттиришимиз зарур. Барак Обама президентлиги даврида декларация асосида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг янги механизмлари ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасида ҳар йили маслаҳатлашувлар ўтказишни назарда тутди. Жорий йилнинг август ойида сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи давраси бўлиб ўтди. Бу жараён асосида ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш омилларини белгилаб олиш имкониятига эга бўламиз. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни тараққий эттириш учун жуда қулай муҳит мужассам.

Америкалик экспертлар-

иқтисодий барқарорлик ҳамда қулай сармоявий муҳит савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 240 дан зиёд корхона рўйхатга олинган, мамлакатимизга киритилган тўғридан-тўғри АҚШ сармояси ҳажми эса 2 миллиард доллардан ошди.

Жорж Крол Ўзбекистонда ривожланишнинг катта истиқболларига эга улкан иқтисодий салоҳият мавжуд эканини ва бу америкалик сармоядорларнинг мамлакатимизда бизнес юритишга қизиқишини ошираётганини таъкидлади.

- Мен Ўзбекистонда 1997 - 2000 йиллар давомида АҚШнинг дипломатик миссияси раҳбари сифатида фаолият юритганман, - деди АҚШ элчиси Жозеф Пресел. - Ўзбекистон пойтахти 15 йил аввалгига нисбатан таниб бўлмас даражада ўзгарган. Шаҳар кўчалари тозаллиги ва автомобиллар қатновининг кўпайгани билан эътибор-

Ўзбекистон ва Колумбия ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилди

Ўзбекистон Лотин Америкаси мамлакати — Колумбия билан дипломатик алоқаларни ўрнатди. Бу ҳақда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати ахборот тарқатди.



Таъкидланишича, Тошкентда Колумбия ташқи ишлар вазири ўринбосари Патти Лондоньо Харамильо ҳамда савдо, саноат ва туризм вазири ўринбосари Габриэля А. Дуке иштирокида делегация меҳмон бўлди.

Ташқи ишлар вазирлигида қабулда иштирок этган ушбу мамлакат расмийлари шу йилнинг 2 октябрь куни икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигини алоҳида қайд этишди. Уларнинг фикрича, бу воқеа икки мамлакат ўртасида барча соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш ва кенгайтириш имконини беради. Томонлар истиқболда сиёсий-дипломатик, ижтимоий-иқтисодий, савдо-гуманитар йўналишларда ҳамкорлик қилиш мезонларини белгилаб олишди.



Ўзбекистондан Туркияга бориш тартиб-қоидалари ўзгарди

Туркия давлатининг иммиграция қоидаларига биноан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Туркия бориш учун қуйидагиларга эга бўлишлари лозим:

1. Орқага қайтиш ёки бошқа йўналишга учиб чиптаси;
2. Меҳмонхона брон қилинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;
3. 2000 АҚШ доллари миқдорида маблағ бўлиши керак. Бунда пластик карточкада кўрсатилган маблағ ҳисобга олинмайди;

Мазкур талаблардан бири бажарилмаган тақдирда, Туркия ҳуқуқ-тартибот вакиллари Ўзбекистон фуқароларини мамлакатга киритмаслиги мумкин. Шу муносабат билан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" компанияси ушбу тартиб-қоидаларни бажаришга чақирмоқда.

General Motors Ўзбекистондаги фаолияти учун АҚШ давлат департаменти мукофотиغا сазовор бўлди



General Motors Ўзбекистондаги фаолияти учун АҚШ Давлат департаментининг юксак корпоратив стандартлари учун мукофотиغا сазовор бўлди.

Хорижий мамлакатларда ишлайдиган Америка компанияларига аталган мазкур мукофот 1999 йилдан бери Давлат котиби томонидан топширилади. Бу йил 82 даъвогар ичидан энг яхшилари танлаб олинди. Даъвогарлар Американинг жойлардаги элчилари томонидан тақдим этилади.

Бу йилги ғолиблар орасида Chevron (Туркманистондаги лойиҳалари учун), General Motors (Ўзбекистонда), Esso (Анголада), Intel минтақавий ваколатхонаси (Вьетнам ва Малайзияда), Microsoft минтақавий ваколатхонаси (Тайланд, Ҳиндистон ва Мисрда), Rosalie Bay (Доминикада), Sorwath? (Руандада), Sustainable Mahogany Industries (Фижида) компаниялари бор.

Бу йилги ғолибларга му-

кофотни 28 ноябрь куни АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон тантанали маросимда топширади.

GM концерни Ўзбекистоннинг автомобилсозлик тармоғига 2008 йили кириб келган. Ушунда "Ўзавтосаноат" АК билан ҳамкорликда Асака автомобиль заводи базасида GM Uzbekistan қўшма корхонаси ташкил этилган эди.

Шу пайтгача корхона томонидан Epica, Captiva, Lacetti, Spark, Malibu ва Cobalt русумидаги автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2011 йили GM ва "Ўзавтосаноат" Тошкентда двигателлар ишлаб чиқарадиган GM Powertrain Uzbekistan заводини ишга туширди. Бу ерда йилига 200 000 двигател ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонлик альпинистлар — Илёс Тухватуллин ва Иван Лобановларни қидириш тўхтатилган

Маълумки, шу йилнинг 7 октябрь куни Непаль тоғларида бир гуруҳ ўзбекистонликлар қор кўчкиси остида қолган. Улардан икки нафари бедарак йўқолган эди. Бу юқори класдаги альпинизм бўйича очик жаҳон чемпионати вақтида юз берган. Ўзбекистон альпинистлар терма жамоаси бошқа жамоалар сингари Ҳимолайнинг 8 километрлик Аннапур чўққисини ошиб ўтишлари керак эди. Аммо ҳамюртларимиз тоққа кўтарилиши чоғида қор кўчкисига йўлиққан.

Альпинистлар уч кун давомида иккала ҳамюртимизни топиш бўйича ишлар олиб боришган. На уларнинг ўзлари, на бирон бир шахсий буюми топилмаган, деб хабар беради climbing.ru сайти.



Чет эл фуқаролари Ўзбекистонга келиш учун "E-Visa" орқали виза олишлари мумкин

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги электрон тарзда виза учун мурожаатларни қабул қилиш ва уни автоматлаштирилган қайта ишлаш билан шуғулланадиган тизимни яратишни бошлаб юборди. Ушбу саъй-ҳаракат Ўзбекистон Президентининг Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини янада фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш ҳамда кириш визаларини беришни соддалаштириш ва тезлаштириш мақсадида амалга оширилмоқда.

"Жаҳон" ахборот агентлигининг хабар беришича, чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаларига ва дипломатик ваколатхоналарига келиб тушган анкета маълумотларини қайта ишлаш электрон тизими консуллик фаолиятини такомиллаштиришга, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан алоқаларини ривожлантиришга, Ўзбекистон туризм соҳасини диверсификация қилишга қаратилган. "E-Visa"нинг асосий қулайлиги шундаки, чет эл фуқаролари дунёнинг исталган нуқтасидан Ўзбекистонга ташриф буюриш учун ўзлари виза сўраб мурожаат қилишлари ва тўлиқ шахсий маълумотларни тақдим қилишлари мумкин. Бунда, айниқса, турли турагентликлар томонидан қўйиладиган хато-камчиликларнинг олди олинди. Тизим ахборот алмашиш ва уни сақлашга кафолат беради.

Виза мурожаатлари-

нинг янги тизими виза бўйича мурожаатларни автоматлаштирилган <http://evis.mfa.uz> ва <http://evis.uz> га киритишни ҳамда қайта ишлашни кўзда тутди. Анкета маълумотлари виза олувчининг ўзи ёки таклиф қилаётган томонидан киритилиши мумкин. Барча маълумотларга киритилгач, махсус оригинал штрих код берилиб, анкета билан чоп этилади.

Тизим Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги сайтининг алоҳида саҳифаси сифатида бир қисми бўлиб, ҳозирги кунда ўзбек, инглиз ва рус тилларида ишламоқда. Истиқболда бу тиллар кўлами янада кенгайиши таъкидланмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон "E-Visa" тизимини яратган тўққизинчи мамлакатдир. Шу пайтга қадар Австралия, Арманистон, Баҳрайн, Буюк Британия, Камбоджа, Жанубий Корея, БАА ва Америка ушбу тизимдан самарали фойдаланиб келади.

Тошкентда "Чкалов" метро бекати "Дўстлик" деб ўзгартирилди

2012 йил 5 октябрдан Тошкент метрополитенининг "Ўзбекистон" йўналишидаги "Чкалов" метро бекати "Дўстлик" номига ўзгарди. Бу ҳақда Олам.ўз



интернет сайти хабар берди. Тошкент метрополитенида маълум қилишларича, ҳозир бекат деворлари, метро схемалари ва поезд метро бекатига яқинлашганда қўйиладиган овозли хабарда бекатнинг номларини ўзгартириш бўйича техник ишлар олиб бориляпти. Эслатиб ўтамиз, "Чкалов" метро бекати 1987 йилнинг 7 ноябрида фойдаланишга топширилган. Бундан аввалроқ, "Халқлар дўстлиги" бекати "Бунёдкор", "Собир Раҳимов" бекати "Олмазор", "Ёшлик" бекати "Миллий боғ" деб ўзгартирилган эди.



Америкалик экспертлар Роғун ГЭСидан Ўзбекистон кўриши мумкин бўлган зарарнинг тахминий миқдорини ҳисоблаб чиқишди

АҚШнинг Шимолий Дакота давлат университети экспертлари ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, Роғун ГЭСи қурилиши Ўзбекистонга йилига ўртача 600 миллион доллар миқдоридан зарар етказиши мумкин.

Экспертлар фикрига кўра, мазкур сув иншооти барпо этилиши натижасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун сув таъминоти келиб чиқиб, мамлакат ялпи ички маҳсулоти 2 фоизга пасаяди. 300 минг нафардан зиёд киши ишидан маҳрум бўлади.

Сўнгги бир неча йил давомида кенг халқаро жамоатчилик, нуфузли экологик ташкилотлар вакиллари, кўпчилик мамлакатларнинг сув хўжалиги қурилиши соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланган илмий тадқиқот марказлари мутахассисларининг эътибори Тожикистоннинг Амударёнинг юқори қисмида қуввати 3600 МВтга тенг Роғун ГЭСи иншоотлари комплексини қуриш лойиҳасини қайта жонлантиришга доир қайсарона хатти-ҳаракатлари муҳокамасига қаратилмоқда.

Ўзбекистон Роғун ГЭСини қуриш лойиҳаси кенг кўламли жиддий технологик, ижтимоий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий таҳдид ҳамда хавфларни келтириб чиқаради, деб ҳисобламоқда.

Ўзбекистонлик мутахассислар фикрича, станциянинг барпо этилиши оқибатида табиий сув оқими тизими бутунлай издан чиқиб, вегетация мавсумида сув ҳажми кескин камайдиган, куз-қиш даврида эса уни ўтказиш ҳажми ва сарфи ошади. Бу Амударё куйи оқимида жойлашган мамлакатларда ёзда сувнинг кескин камайишига, кучли қурғоқчиликка, шунингдек, қишда ҳалокатли тошқинларга сабаб бўлади.

Амударё оқими гидрологик режимининг ўзгариши натижасида ўзанлардаги йўқотишлар

ҳам ортади. Ҳозир ҳам сув тақчил мавсумларда бундай йўқотишлар 15 фоизгача етмоқда. Гидрологик режимнинг ўзгариши оқибатида Амударё куйи қисмидаги қўллар ва ветландларнинг қуриш жараёни бир неча марта тезлашади, янги шўрхок ва тақир ерлар пайдо бўлади. Оқибатда у қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилган майдонларни туз бўронлари билан зарарлайдиган аёвсиз манбага айланади, тупроқ унумдорлиги ҳамда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади. Бунинг оқибатида дунё микёсидаги экологик муаммо ҳисобланган Орол денгизи ҳалокати янада мураккаблашади.

Шу тариқа Ўзбекистон ва Туркменистон ишлаб чиқаришнинг иқтисодий асоси бузилади ҳамда ушбу мамлакатларнинг Амударё куйи оқимларидаги воҳаларда яшаётган 10 миллиондан ортиқ аҳолиси турмуш тарзи батамом издан чиқади, одамлар қурғоқчилик ва очликка маҳкум бўлиб, ала-лоқибат бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида Амударё куйи қисмида жойлашган мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистоннинг бевосита иқтисодий йўқотишлари 20 миллиард доллардан ошади. Бу зарарни қоплашни ҳеч ким зиммасига олмоқчи эмас. Ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган сув ресурслари тақчиллиги шароитида миллионлаб одамларнинг мажбуран кўчиши билан боғлиқ кўпжа иқтисодий ва ижтимоий муаммолар пайдо бўлади, минтақада ижтимоий беқарорлик кескинлашади.

Ташқи ишлар вазирлигининг "E-Consul" интерактив хизмати ишга тушади

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги "E-Consul" интерактив хизматини тақдим этди. Бу ҳақда "Жаҳон" АА хабар тарқатди. У Ўзбекистон фуқаролари учун хориждаги консуллик ва дипломатик ваколатхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва самарадорлигини тубдан ошириш, хориждаги муассасалар ўртасида, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида тегишли ахборот олиш жараёнида тезкор алоқаларни таъминлашга қаратилган.



"E-Consul" тизими фойдаланувчилари қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар он-лайн режимда ўз мувожаати бўйича тегишли маълумотларни киритиш ва олиш имкониятига эга бўлишади. Ундан "Ўзбекистон Республикасига қайтиш сертификатини расмийлаштириш қоидалари", "Доимий консуллик ҳисобига қўйиш қоидалари", "Вақтинчалик консуллик ҳисобига қўйиш қоидалари", "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини тиклаш учун шахсни аниқлаш қоидалари", "Кўп сўраладиган саволлар" каби бўлимлар ўрин олади. Мазкур интерактив хизмат Ташқи ишлар вазирлиги расмий сайти базасида фаолият юритади.



Аюб Шаҳобиддиновнинг «Паризод» фильми «Киношок-2012»нинг бош совриндори

Халқаро "Киношок" фестивалида таниқли ўзбекистонлик режисёр Аюб Шаҳобиддиновнинг "Паризод" фильми бош соврин — "Олтин ниҳол"ни қўлга киритди.

"Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмаси асосида "Ўзбекфильм" студиясида суратга олинган мазкур кинокартина ўзига хос қобиляга эга қиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Таниқли ёзувчи Эркин Аъзам сценарийси асосида суратга олинган мазкур фильмнинг премьераси шу йилнинг

1 июнида Тошкентда ўтказилган. Унда бош ролларни Зарина Низомиддинова, Самиддин Лутфуллаев, Бахтиёр Қосимов, Дилором Каримова, Беҳзод Муҳаммадқаримов, Вазира Юнусова, Лола Элтоева ва Тоҳир Саидовлар ижро этишган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Аюб Шаҳобиддинов томонидан суратга олинган халқаро киномунаққидлари томонидан юқори баҳоланиб келинади. Хусусан, унинг "Қор кўйнида лола" фильми Марказий Осиёнинг "Ижодий пар-

воз" биринчи ёшлар кинофестивалида Гран-при совриндори бўлган ҳамда обрўли Канн фестивалида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритган эди.

Режиссёрнинг "Ўтов" фильми "Киношок-2007" фестивалида энг яхши эркак роли учун (Нозим Тўлаҳўжаев ижро этган) мукофотиغا сазовор бўлган.

"Киношок" фестивали Россиянинг энг йирик кино фестивали бўлиб, у 1992 йилдан бери Анапада ўтказиб келинади.



Битта бюрократик тўсиқ бекор қилинди

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви шу йилнинг октябридан Ўзбекистон резидентлари бўлган юридик шахслар учун хорижда ҳисоб рақами очиш тартибини ўзгартирди. Марказий банкнинг шу йил 7 сентябрда қабул қилинган қарорига кўра, жорий йилнинг 8 октябридан бошлаб Ўзбекистон резидентлари бўлган юридик шахслар учун хорижда ҳисоб рақами очиш учун Марказий банкдан рухсат олишга чет элда ваколатхона очиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги розилиги нусхаси талаб қилинмайди.

Калифорнияда ноқонуний иммигрантлар ҳайдовчилик гувоҳномасини олишлари мумкин

Калифорнияда ноқонуний иммигрантлар ҳайдовчилик гувоҳномаларини олишлари мумкин. Бу борадаги тегишли қонунни штат губернатори Жерри Браун имзолади. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, икки ҳафта бурун демократлар партияси ноқонуний иммигрантларни қонунийлаштириш бўйича янги кампанияни эълон қилган эди.

Ушбу кампанияга кўра, ёш нелегалларни депортация қилишни вақтинча тўхтатиб турилади. Обаманинг мазкур дастури доирасида иммигрантлар ижтимоий суғурта олишлари, ҳайдовчилик гувоҳномаларига эга бўлишлари, ўқиш учун молиявий кўмак олишлари мумкин. Бу дастурда иштирок этиш учун иммигрант ҳозирги кунда 31 ёшга тўлмаган ҳамда жиноий хатти-ҳаракатлар содир этмаган бўлишлари керак.

Маълумки, шу йилнинг 15 июнь куни АҚШ ички хавфсизлик вазири Жанет Наполитано Барак Обаманинг кўрсатмаси асосида АҚШда истиқомат қилаётган бир гуруҳ ноқонуний иммигрантларга ишлаш ҳуқуқини берувчи нормаларни ҳаётга жорий этишини маълум қилган эди.

Шу йилнинг 15 августидан мазкур дастур бўйича ноқонуний иммигрантларга ишлаш ҳуқуқини бериш жараёни бошланди. Ушбу жараёнда иштирок этиш учун куйидаги тамойиллар-



га тўғри келиши керак:

1. АҚШга илк бор келганида 16 ёшдан кичик бўлган бўлиши;
2. АҚШда мазкур норма жорий этилгунга қадар беш йил давомида яшаган ва айни пайтда мамлакатда бўлиши;
3. Айни пайтда мактаб, академик лицейларда ўқиётган, умумий таълим сертификати эга, Америка Қуrollи кучларида хизмат қилган бўлса;

4. Муқаддам жиноят содир этмаган, мамлакат ва жамоат хавфсизлигига таҳдид туғдирмас;
5. 30 ёшдан ошмаган бўлса;

"The Sacramento Bee" газетасининг ёзишича, Калифорнияда 2,5 миллион нафар ноқонуний иммигрант бўлиб, уларнинг бир қисми янги қонун бўйича ҳайдовчилик гувоҳномасини олишлари мумкин.



Россиянинг асли ўзбекистонлик бўлган миллиардерларидан бири Алишер Усмонов ўз активларини ягона холдингга бирлаштиргач, катта бизнесни тарқ этишини маълум қилди. "Ҳозир мақсадимиз бизнеснинг турли йўналишларидаги, шу жумладан, тоғ-конь саноати, телекоммуникация, интернет ва медиа, молия ва инвестиция бизнесларини ягона холдингга бирлаштиришдир", деди миллиардер Рейтерс ахборот агентлигига.

Алишер Усмонов катта бизнес билан шуғулланишни тўхтатмоқчи

Алишер Усмоновнинг бизнес-империяси дастлаб руда қазиб олиш асосида асос солинган бўлиб, унинг интернет ва телекоммуникация соҳасида бизнес лойиҳалари ва инвестиция сиёсати уни дунёдаги энг йирик ва катта таъсирга эга бизнесменлардан бирига айлантириб юборди.

Алишер Усмонов холдингни ташкил этгач, унинг бошқарувида фаол қатнашмоқчи эмас. У бизнес билан шуғулланишни давом эттиришга хоҳиши йўқлигини айтган. Эслатиб ўтамиз, холдингинг йиллик даромади 25 миллиард долларни ташкил этиши мумкин.

"Ҳар бир бизнес алоҳида менежерлар жамоаси томонидан бошқарилади. Улар акциядорлардан мустақилдирлар. Мен акциядор сифатида бошқарув ишларига

аралашмоқчи эмасман", деди Усмонов.

Алишер Усмонов "Металинвест" компаниясининг 50 фоиз, "Арсенал" (Лондон) футбол клубининг 29 фоиздан ошқ, "Коммерцантъ" нашриёт уйи, "Digital Sky Technologies" компаниясининг қарийб 80 фоиз, "Муз-ТВ" телеканали, Mail.ru интернет портали акцияларига эга.

Форбс журналининг ёзишича, холдинг унинг асосчилари фамилияларининг илк ҳарфлари асосида "USM Holding" деб номланган. Усмонов 50 фоиз, Андрей Скок фонди 30 фоиз, Фарход Мошир 10 фоиз ва менежментга 10 фоиз акцияларга эгаллик қилишади. Холдинг раҳбари Усмоновнинг ҳамюрти Иван Стрешинский бўлади.

Усмонов сўзларига қараганда, холдинг олти ой ичида ташкил этилади

Номзодларнинг илк теледебати:

Ромни Обамадан устун келди

Колародонинг Денвер шаҳрида Америка президентлигига номзодлар - Барак Обама ва Митт Ромни ўртасида теледебатлар бўлиб ўтди. Бир ярим соат давом этган теледебатлар чоғида номзодлар мамлакат ички сиёсати ва иқтисодий аҳвол хусусида баҳслашишди.

Митт Ромни ҳар доимгидек Обама маъмуриятининг иқтисодий сиёсатини, айниқса, Уолл-Стрит ислохотларини, шунингдек, ҳозирги катта ҳақдаги бюджет тақчиллигини танқид қилди. "Жаноб, Сиз бу муаммони 2008 йилда ҳал қиламан, деб ваъда бергандигиз-ку!", деди истеҳзо билан.

Унинг сўзларига кўра, агар президент бўлса, "Хитойдан қарз олишни талаб қиладиган" ҳар қандай давлат дастурларидан воз кечади.

Ўз навбатида, Барак Обама ўз рақибини яна бир марта "ваъдабоз"ликда айблади. Ваъда беришдан олдин, уни бажаришни ҳам ўйлаш керак, деди АҚШнинг амалдаги президенти.

Обаманинг қайд этишича, Ромни ғазна пулларини хориждаги кераксиз ҳарбий операциялар учун йўналтирмоқчи. Бу пуллар, ваҳоланки, солиқ тўловчиларнинг меҳнати маҳсулидир, деди у.

Митт Ромни давлат бюджети тақчиллигини Обама исло-

хотлари натижасида рўёбга чиқарилаётган соғлиқни сақлаш дастуридан воз кечиш ҳамда жамоат телеканалларига ажратилаётган дотацияларни қайтариш орқали эришмоқчи.

Обама ҳам ўз ўрнида Ромнига ҳужум қилиб, кекса америкаликларга тиббий хизмат учун ваучерлар бериш ҳақидаги Пол Райаннинг ташаббусини танқид қилди.

Теледебатлар бошида бир оз асабий ҳолатда бошланган бўлса-да, аста-секин вазият




юмшаб, рақиблар бир-бирига эътироз билдириш ва минилекциялар ўқишга кўпроқ эътибор қарата бошлашди.

CNN телеканали ORC International билан ҳамкорликда сўров натижаларига кўра, Обаманинг чиқишидан аудитория кўнгли тўлмаган. Хусусан, таҳририят боғланган сўров иштирокчиларнинг 67 фоизи Митт Ромнига ўз овозини

берган бўлса, Обамага бор-йўғи 25 фоиз респондентлар хайрихоҳлик билдирган. Мутахассисларнинг айтишича, Обама сайловчилар кутганидек ўзини намоён этмаган бўлса, Митт Ромнидан бундай ёрқин чиқишни кутишмаган эди.

Номзодлар ўртасида уч марта теледебатлар босқичини ўтказиш режалаштирилган.

Самюэл Хантингтоннинг "Цивилизациялар тўқнашуви" китобини ўқиганлар бўлса керак. Уша китобда муаллиф цивилизацияларнинг жўғрофий қўшничилиги жиддий можароларга олиб келади, деб ёзади. Мен ушбу китобни ўқиб, уни (цивилизация) амалда у ёки бу кўринишда тасаввур қилиб кўрган бўлсам-да, ёрқин бир мисол нуқтаи назаридан кўра олмас эдим. Аммо "Муслмонлар гуноҳсизлиги" фильмининг суратга олинishi цивилизациялар тўқнашувининг аниқ чегарасини кўрсатиб қўйди, десак муболаға бўлмайди.



Маданиятлар тўқнашуви юз бердимми?

Буни нималарда кўриш мумкин? Аввало, бутун дунё оммавий ахборот воситаларида ушбу масала жиддий муҳокама қилиниб, виждон эркинлиги ва сўз эркинлиги масаласи сўроққа тутилди. Қолаверса, айнан шу фильмга нисбатан намойишлар, митинглар, пикетлар ва куч ишлатиш ҳолатлари юз берди, одамлар ҳалок бўлишди. Ва ниҳоят, бу масала йирик-йирик минбарларда муҳокама қилина бошланди. Буни БМТ Бош ассамблеясининг 67-сессиясида ҳам кўриш мумкин.

Унда сўзга чиққан мусулмон давлатлар бошлиқлари, ҳукумат етакчилари ва делегация раҳбарлари Фарбни сўз эркинлиги баҳонасида инсонларнинг диний эътиқоди, бошқа динларни камситишга уринаётганида айблади. Туркия ташқи ишлар вазири бу масалада сўзлар экан, исломофобияни ҳимоя қилишни тўхтатишга вақт етиб келганини таъкидлайди. "Минг афсуски, Исломофобия ирқчиликнинг анти-семитизмга ўхшаган янги кўриниши бўлиб бормоқда. Бунга энди сўз эркинлиги ниқоби остида бундай хатти-ҳаракатларга чидаб бўлмайди", деди Туркия ҳукуматининг ташқи сиёсат масалалари идораси раҳбари.

Яқиндагина Фарб кўмагида Миср халқи

эркин бўлсин, ўз фикрини мустақил бўлсин мамлакатни хаосга олиб келган инқилоб натижасида президентлик курсисига ўтирган Муҳаммад Мурси ҳам ўзининг Фарб оғаларини тартибга чақирди.

"Миср фикр юритиш эркинлигини ҳурмат қилади. Фикр юритиш эркинлигики, у бировга нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш йўлида ишлатилмаслиги керак. Биз ўзимизга хос жиҳатларимизни ва диний қарашларимизни ҳурмат қилишларини ҳамда бизга номақбул бўлган концепция ёки маданиятларни илгари сурмасликларини сўраймиз. Биздан ниманидир кутгани каби, биз ҳам бошқалардан мана шуни кутамиз", деди у, жумладан.

Покистон президенти Асиф ал-Зардорий эса одамларнинг диний эътиқодини ҳақоратлашни жиноят сифатида баҳолашга чақирди. "Бундай ҳолатлар юз берганда дунё ҳамжамияти кузатувчи бўлиб ўтирмаслиги керак. Жаҳонда тинчликка раҳна солган ҳамда сўз эркинлигини ғаразли мақсадида қурол қилиб, дунё хавфсизлигига таҳдид солаётганларни жиноий жавобгарликка тортиши керак", деб қайд этади.

Бундай чақириқлар Фарб етакчиларини ҳам муносабат билдиришга

ундади. Улар одамларнинг диний эътиқодини топташ яхши эмаслигини таъкидлашган бўлса-да, лекин сўз ва фикрлаш эркинлиги инсон ҳуқуқининг асоси бўлиб қолажани уқтиришди. Яъни, қанча нолиманг, динни ёмонлаш жиноят бўлмайди, деб қайд этишди.

Хусусан, АҚШ президенти Барак Обама ўзининг ярим соатлик нутқи давомида ушбу масалада ўз фикрини билдириб, "ёмон сўзга қарши энг яхши қурол репрессия эмас, балки ўша ёмон сўздан-да кучлироқ сўзлашдир", дея ўз позициясини билдирди.

Германия ташқи ишлар вазири Гидо Вестервелле яқинда араб дунёсида юз берган зўравонлик ҳақида ўз муносабатини билдириб, "озодликнинг иккита боласи бор: ҳурмат ва тоқат. Эркинлик жавобгарликдан холи эркинликни англамайди", деди.

У исломга қарши уятсиз бир кинодан туйғуларни жабрланган мусулмонларни тўғри тушунишини айтиб, ҳар қандай шароитда ҳам зўравонликка йўл қўйиш ақлли одамнинг иши эмас, деб таъкидлади. Вазир гап бу ерда маданиятлар тўқнашуви ҳақида кетмайпти, балки цивилизациянинг ичида кетяпти, деб қайд этди. Экстремистлар араб дунёсида ўзгаришлар бўлишини хошлашмаяпти, улар зўравонлик орқали халқ устидан назорат ўрна-

тишни хошлашмоқда. "Улар бунга эришишларига йўл қўйиб бўлмайди", деди у.

Умуман, маданиятлар тўқнашуви бир дин билан боғлиқ эмас. Аммо унинг элементлари одамлар ҳаёти, турмуш тарзи, анъаналари билан кечади. Дин ҳаёти-мизда катта роль эгаллагани учун ҳам у маданиятлар тўқнашувида асосий восита бўлиши мумкин. Нега дин цивилизациялар ва бошқа урушлар учун асосий омил бўлиши мумкин? Чунки динни ёмонотлик қилиш билан одамларнинг қалбига ҳужум қилинади. Умуман, дунё тарихини, бугунги сиёсий воқеаларни кузатиб, шуни айтиш мумкинки, мусулмонлар бирмунча қизиққон халқ. Араб воқеалари бунга яққол мисол, албатта. Бу ўзига хос характер. Бу характер мусулмонларнинг энг назик жойидир. Чунки кимгадир қанақадир тўстўполон керак бўлса, уни уюштириш жуда онсон. Ё пайғамбаримизни қариқатура қилади ёки қанақадир кино олади...

Умуман, цивилизациялар тўқнашуви бўлиши аниқ ва бу жараён жуда изчил кечаяпти. Инсон, қонун, ахлоқ, маданият ва дин омиллари ана шу тўқнашувнинг даражасини белгилаб беради. Бугун цивилизациялар урушида ғалаба қозонишнинг ягона йўли, аввало, жоҳилларча ҳимояланиш эмас, балки ўз цивилизациясини тарғиб қилиш, тоқат билан эришилади. Бекорга "жаҳолатга қарши маърифат", дейишмайди. Яна ким билади...

Мурод ҒОҒУРОВ.

Ўзбекистон банк бўлимлари бўйича илғор ўринлардан жой олган

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ҳар юз минг кишига банк бўлимларини ташкил этиш бўйича биринчи ўринда туради. Бу ҳақда Халқаро валюта жамғармаси томонидан эълон қилинган "Молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари таҳлили" деб номланган тадқиқотида маълумот келтирилади. Бу ҳақда sa-news.org сайти "Ипак йўли" янгиликлар лентасига таяниб хабар беради. Жамғарма тадқиқо-



тида келтирилишича, Ўзбекистонда ҳар юз минг кишига 47,72 та банк бўлими тўғри келмоқда. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Қозоғистонда 3,38, Тожикистонда 6,67 ҳамда Қирғизистонда 7,72 тани ташкил қилади. Шу билан бир қаторда, АҚШда ҳар юз минг кишига 35,43 та, Россияда 37,09 та, Францияда 41,58 та банк бўлимини ташкил этади.

Тадқиқотда кўрсатилишича, банк автоматлари бўйича Қозоғистон Марказий Осиёда анча илдамлаб кетганлиги тадқиқотда кўрсатиб ўтилади. Ҳар 100 минг кишига Қозоғистонда 65,8 та банкоматлари тўғри келади. Қолган мамлакатларда, Хусусан, Қирғизистонда 12,07, Тожикистонда 7,68, Ўзбекистонда 4,54 тани ташкил қилади

АҚШда шу йилнинг ноябрда мамлакат президентлиги учун сайловлар бўлиб ўтади. Ҳозирги кунда мамлакатнинг ушбу юксак курсисини эгаллаш учун амалдаги президент Барак Обама ва Митт Ромни ўртасида кескин кураш кетмоқда. Хўш, бу иккала номзод Америка халқига нималар ваъда беряптию, нималарда бир-бирига қарши чиқишмоқда? Қуйида уларнинг айрим йўналишлар бўйича платформаси билан таништириб ўтамиз.



Амалий сиёсатдан шахсий қарашларгача

1. Аборт. Туғишни назорат қилиш. Ушбу масала ўн йиллар давомида АҚШ жамиятида энг кўп муҳокама қилинган масалалардан бўлиб, демократлар республикачиларни аёлларнинг репродуктив соғлигини муҳофаза қилиш билан ҳуқуқларини поймол қилаётган айблаб келади. Кўпчилик туғиш инсоннинг танлов ҳуқуқи сифатида кўради. 1973 АҚШ Олий суди абортни Америка ҳудудида қонуний, деб топган.

а) демократлар танлаш ҳуқуқи тарафдори бўлиб, туғиш ёки туғмаслик инсоннинг конституциявий ҳуқуқи деб эътироф этишади. Барак Обама абортни легаллаштириш тарафдори бўлиб, аёллар репродуктив муҳофаза қилиниши керак, деб ҳисоблайди.

б) Республикачилар, шу жумладан, Ромни ҳар бир чақалоқ туғилиши керак, деган ғоя тарафдори. Инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш яхши эмас, бу, қолаверса, жамият қадриятларига зиддир, дейди Ромни.

2. Икки етакчи партия ўртасида мунтазам муҳокама қилиб бориладиган яна бир масала -мамлакат қарзи ва бюджет тақчиллиги масаласидир. Ҳозирги кунда АҚШнинг давлат қарзлари 15 триллион доллардан кўп бўлиб, агар ҳокимият тепасига келадиганлар тегишли чоралар кўрмаса, 2012 йилга бориб, АҚШ давлат бюджети қарзи 11 триллион доллардан ошиб кетиши мумкин.

а) Обама томонидан илгари сурилаётган дастурга кўра, сўнгги ўн йилликда АҚШ умуммиллий қарзи 4 триллион долларга қиқариши керак. Бунга йирик ҳукумат дастурларига йўналтирилаётган ортиқча маблағларни қисқартириш ҳамда Жорж Буш даврида аҳолининг бой қатлами учун жорий этилган солиқ имтиёзларини бекор

қилиш орқали эришмоқчи. Шу билан бир қаторда, давлат қарзини Афғонистондан ўз ҳарбий контингентини олиб чиқиш, шунингдек, фермерларга йўналтирилаётган субсидияларни тўхтатиш орқали эришмоқчи.

б) Митт Ромни эса федерал харажатларни 2016 йилга бориб, 24,3 фоиздан 20 фоизга туширмоқчи. У давлат харажатларини Обама илгари сурган соғлиқни сақлаш ислохотларини тўхтатиш, бир қатор ижтимоий лойиҳаларнинг молиявий асосларини қирқиш орқали ўз мақсадига эришмоқчи.

3. Иқтисодий жонлангириш сайловчилар учун ўта муҳим мавзулардан биридир. Гап шундаки, АҚШда сўнгги йилларда ишсизлик кўрсаткичи 8 фоиздан ошиб, ўзига кела олмай юрибди.

а) Обама ҳокимият тепасига келгач, иқтисодий турғунликдан олиб чиққан бўлса-да, асосий муаммоларни ҳал қила олмади. У ишлаб чиқариш ва экспортни кўллаб-қувватлаш орқали иш жойлари ташкил этиш, ишчи мутахассисларни қайта тайёрлашга урғу бермоқда. Унинг инфратузилмани яхшилаш бўйича харажатлар дастурининг ўзи 1 миллиондан 2 миллион нафарга яқин иш жойини яратишни кўзда тутди. Обама, шунингдек, АҚШ иш ўринларини очган компанияларга солиқ имтиёзлари ваъда қилмоқда.

б) Ромни бизнесмен сифатида иш яратишда катта тажрибага эга эканлиги билан мунтазам ғуруланиб гапиради. У иш ўринларини яратиш учун икки томонлама савдо шартномаларини кўллаб-қувватлаш, давлат бюджетини мувознатлаштириш, корпоратив солиқларни 35 фоиздан 25 фоизга тушириш керак, деб ҳисоблайди.

4. Солиқ. Америкаликлар қанча солиқ тўлаши керак? Ушбу савол ҳар бир америкалик, ҳар бир тадбиркорни ўйлантирадиган жид-

дий масалалардан ҳисобланади.



а) Обама бойлар учун даромад солигини оширишни ният қилган. Унинг фикрича, улар ўз даромадининг камида 30 фоизини давлат газнасига ўтказиши керак. Обама, шунингдек, корпоратив солиқ ставкасини 35 фоиздан 28 фоизга туширишни мўлжалламоқда.

б) Ромни ҳам солиқ ислохотларини ният қилган бўлиб, у корпоратив солиқ ставкасини 35 фоиздан 25 фоизга камайтириш, йиллик даромади 200 мингдан ошмайдиган оилалар учун фоизлар, дивидентлар ҳамда капитал жамғармаларни солиқдан озод қилишни ваъда бермоқда.

5. Ташки сиёсат. Ижтимоий сўровлар шунини кўрсатдики, америкаликлар кундалик икки-чикирлардан кўра ташки сиёсатга у даражада катта эътибор қаратишмайди. Демократлар ташки сиёсатда урушдан кўра, дипломатияни устун кўришса, республикачилар бунини ожизлик белгиси сифатида эътироф этишади.



а) Обаманинг ташки сиёсати: Афғонистон: 2014 йил охирига қадар ушбу мамлакатдан чиқиб кетиш ҳамда толибонлар билан музокара олиб бориш; Хитой: Жаҳон савдо ташкилоти доирасида Хитойга нисбатан турли ҳуқуқий ва бошқа чораларни кўриш; Эрон: ядровий қурол яратилишига тўсқинлик қилиш, ушбу муаммони иқтисодий санкциялар ва дипломатия йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилади; Исроил/Фаластин: Обама Қуддусни Исроилнинг пойтахти сифатида тан олади, аммо бу масала Фаластин ва Исроил ўртасида муҳокама этилиши керак, деб ҳисоблайди. Икки давлат чегаралари 1967 йилги ҳолатга қайтиши тарафдори.

б) Ромни. Афғонистон. 2014 йил охирига қадар ҳарбий кучларни олиб

чиқиб кетади, аммо толибонлар билан музокара олиб бормайди; Хитой: Ушбу давлатга нисбатан "валюта манипулятори"дек муносабатда бўлади ҳамда Хитой америкаликларнинг иш жойини тортиб олмоқда, деб ишонади; Эрон: Обамадек ядровий қурол яратилмаслиги учун фақат сўз билан эмас, балки бошқа саъй-ҳаракатлар бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Исроил/Фаластин: Обаманинг қарашларини кўллаб-қувватлайди - икки давлат музокара йўли орқали келажакка интилиши лозим.

6. Курол-яроғ назорати. 2012 йил 20 июлда Колорададаги кинотеатрда юз берган отишма, яъни қуролланган шахс томонидан 12 киши ўлдирилиши АҚШ жамиятида қурол-яроғнинг эркин айланишига қарши баҳс-мунозараларнинг янада илдиришга олиб келди.



а) Обама ўзининг биринчи муддати давомида ва ундан олдин ҳам одамлардан қурол-яроғни йиғиштириб олишга қарши эканлигини ва Конституциянинг иккинчи тузатишини ҳурмат қилишини айтган. У учун қурол-яроғни назорат қилиш асосий йўналишлардан эмас.


б) Ромни эса қурол-яроғни таққиловчи ҳар қандай қонунга қаршилик кўрсатишини айтади. У ҳатто қурол-яроғ ишлатувчилар жамоатчилик ташкилоти аъзоси ҳамдир.

7. Соғлиқни сақлаш. Президент Обама даврида амалга оширилган соғлиқни сақлаш ислохоти 1965 йилдан кейинги энг йирик ислохотдир. Гарчи мазкур қонун қабул қилинган, қолаверса, Конституциявий суд томонидан кўллаб-қувватланган бўлса-да, республикачилар у инсоннинг конституциявий ҳуқуқларига зид, деб қарашади.



а) Обама учун ушбу ислохотнинг амалга оширилиши, Конституциявий суд томонидан кўллаб-

қувватлашга эришилиши биринчи муддатда энг катта ютуқдир. Чунки бу ислохот 30 миллион нафардан ортиқ америкаликларнинг тиббий суғуртадан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлайди.



б) Митт Ромни Гарчи Массачусетс штатининг губернатори бўлган пайтларда худди шундай ислохотни амалга оширган бўлса-да, имконсиз одамларга тиббий суғурта бериш ёки бермаслик федерал ҳукуматнинг иши эмас, балки штатларнинг вазифаси, деб ҳисоблайди. У агар президент этиб сайланса, ушбу қонунни тўхтатишга ваъда бермоқда.

8. Иммиграция. 2011 йил якунларига кўра, АҚШда 11,5 миллион нафардан зиёд иммигрантлар бор. Аммо кейинги пайтларда иммигрантлар масаласи Америка жамиятининг энг кўп муҳокама этиладиган мавзуларидан бирига айланди.



а) Обама ноқонуний иммигрантларни қонунийлаштириш, уларни фуқаролик учун рағбатлантириш тарафдори. У президентлик муддатидан илк даврида DREAM қонунини илгари сурган эди. Бу қонун АҚШда ёшлигида келиб қолган, таълим олган, ҳарбий хизматни ўтаган шахсларга Америка фуқаролиги берилишини кўзда тутарди. Аммо бу қонун конгрессда тўхтаб қолди. Кейинчалик у ёш иммигрантларни мамлакатдан депортация қилишни вақтинчалик тўхтатиб қўйди.




б) Ромни эса DREAM қонунига қарши чиққан, ноқонуний иммигрантларнинг фуқаролик олишига ҳам шундай муносабат билдиради. У АҚШ ва Мексика ўртасидаги чегарада тўсиқ ўрнатиш тарафдори, шунингдек, ноқонуний иммигрантларни ишга ёллаган компанияларга нисбатан жарима қўллаш керак, деб ҳисоблайди.

Иккала номзод, шунингдек, миллий хавфсизлик, ижтимоий сиёсат, федерал ва штатлар муносабатлари бўйича ҳам ўз қарашларига эга.

Жеймс Коллинз:

Марказий Осиёда давлатлардан бири лидерликни қўлга олиши керак

АҚШнинг Россиядаги собиқ элчиси, МДХ мамлакатлари бўйича эксперт Жеймс Коллинз Тошкентда ўтказилган матбуот анжуманида Марказий Осиёдаги муаммоларни ҳал этишда минтақадаги давлатлардан бири етакчиликни қўлга олиши керак, деб айтди.



— Акс ҳолда уларнинг ўрнини учинчи давлатлар эгаллайди. Улар эса муаммони ҳал қилиш билан эмас, балки уни янада кучайтириш билан шуғулланади, - деб таъкидлади эксперт.

Жеймс Коллинз Собиқ Иттифоқ қулагандан кейинги вазиятни ёдга олиб, ўшанда энди мустақил бўлган давлатлар ўзи истаганча тараққиёт йўлидан кетмоқчи бўлгани, аммо узоқ йиллар давомида шаклланган ўзаро муносабатлар ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш кераклигини кўрсатди, деб таъкидлади.

Марказий Осиё мамлакатларини бирлаштириб турувчи жуда кўплаб масалалар бор, шунинг учун

ушбу масалаларда бири-бири изчил ҳамкорлик қилиши, саъй-ҳаракатларни бирлаштириши талаб қилинади.

Экспертнинг фикрича, минтақа давлатлари ҳукуматлари уларни боши берк кўчага элтадиган эмас, балки бирлаштирадиган масалалар устида ишлаши керак.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни жуда яхши ҳолатда деб бўлмайди. Айниқса, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш, умумий чегаралар ва бошқа бир қатор масалаларда томонларда саволлар йиғилиб қолган.



АҚШ элчихонаси Насиба Абдуллаеванинг концертини уюштирди

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси машҳур журналист ва мусиқачи Даниэл Перлнинг хотирасига бағишлаб шу йилнинг 5 октябрь куни элчихона биносида Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева ва "Офарин" рақс дастаси ижросида концерт дастури уюштирди.

Даниэл Перл жаҳон мусиқа куни ҳар йили октябрда мусиқа универсал тили орқали ўзаро тушуниш ва тоқатни рағбатлантириш мақсадида дунё миқёсида ўтказиладиган тадбирлар мажмуаси ҳисобланади.

Ўзбекистон аҳолисining 30,2 фоизи интернет билан қамраб олинган

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти комиссияси ҳамда Халқаро электроалоқа уюшмаси томонидан тайёрланган ҳисоботда келтирилишича, Ўзбекистон аҳолисining 30,2 фоизи интернет билан қамраб олинган. Бу Ўзбекистон аҳолисining 10 миллион нафарга яқини интернетдан мунтазам фойдаланади, дегани.

БМТ янгиликлар марказига таяниб, 12news.uzнинг ёзишича, МДХ мамлакатлари орасида Озарбойжонда аҳолининг 50, Россияда 49, Қозғистонда 45, Беларусда 39,6, Молдовада 38, Грузияда 36,6, Украинада 30,6, Қирғизистонда 20, Тожикистонда 13, Туркменистонда 5 фоизи интернет билан қамраб олинган.

Эслатиб ўтамиз, йил бошида Ўзбекистонда интернетдан фаол фойдаланувчилар сони 8 миллион атрофида эди. Шу кунларда Тошкентда бўлиб ўтаётган ахборот-технологиялари ҳафталигида бу кўрсаткич 9,1 миллион нафардан ошганлиги қайд этилди. Шу билан бирга, 3,753 миллион киши мобил интернетдан самарали фойдаланиб келмоқда. Ўзбекистонда .UZ доменида олти асосий регистратор бўлиб, мазкур доманда рўйхатдан ўтган сайтлар сони 14 мингга яқинлашиб қолди

ҲУРМАТЛИ ВАТАНДОШЛАР!

Сизларни **"Янги Йил"** байрамига бағишланган кечага таклиф этамиз.

Байрам **2012 йилнинг 29 декабрда** "Национал" ресторанида кеч соат **7:00** да бўлиб ўтади!

273 Brighton Beach
Brooklyn NY 11235

T: 718-864-5664

718-710-0505 | 347-444-9745

2013

Ўтган ҳафта Туркиянинг Сурия билан чегарадош Акчақалъа марказида Сурия томонидан ҳарбий снаряд келиб тушган ва 5 нафар киши ҳалок бўлган эди. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, ушбу воқеадан сўнг, мана беш кунки Туркия ҳарбийлари Суриянинг чегарадош шаҳарларини артиллериядан ўққа туттишда давом этмоқда.

Туркия — Сурия можароси.

Кўзга кўринмаган қасос ёки навбатдаги ИГВ

Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, Сурия инқирози бошланганидан сўнг 18 ой ўтиб, илк маротаба Туркия томонидан бундай ишга қўл уриши кенг жамонатчиликда турли саволларни уйғотмоқда. Аввало, ушбу ҳаракат Сурия ҳукумати халқаро миқёсда "ёмонотлик" қилиш, ИГВ орқали халқаро аралашувга эришишни кўзда тутган бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, НАТО кенгашининг фавқуллодда мажлиси чақирилиб, аъзо-давлатлар Суриянинг "хатти-ҳаракатини" халқаро ҳуқуқ бузилишининг яққол кўриши сифатида қайд этишди.


НАТО тарқатган хабарда келтирилишича, ташкилот Туркияни қўллаб-қувват-

лашда давом этади ва зудлик билан бундай ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга чақиради.

Ушбу масала юзасидан БМТ ва НАТО бош котиблари ҳам расмий баёнот билан чиқишди. Пан Ги Мун Сурия ҳукуматига қарата мурожаат қилиб, қўшни давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилишга чақирди.

АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон эса тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлганини таассуф билан тилга олиб, бундай отиш-маларни кескин қоралаган.

Сурия ҳукумати эса ҳалок бўлганлар оиласига ўз таъзиясини билдириб, Туркия қишлоғини ким ўққа тутганлигини аниқлаш мақсадида ўз терговини амал-



SOURCE: ESRI

AP

га оширишни маълум қилди.

Айни чоғда Сурия ҳукумати бундай саъй-ҳаракатлар замирида халқаро ҳам-жамиятнинг Сурияда тўнтариш қилишга бўлган интилиши ётибди, деб бонг урмоқда.

Бир гуруҳ экспертлар

фикрича эса, бу портлаш воқеаси Туркия учун айни муддао бўлди. Чунки шу йилнинг 22 июнь куни Сурия ракетага қарши мудофаа тизими Туркия қуролли кучларига тегишли F-4 "Фантом" қирувчи-ракетасини ўз ҳаво кенгликларидан уриб туширганини маъ-

лум қилган эди. Бу қайсидир маънода минтақада ўзини етакчи давлат сифатида кўраётган Туркия учун ҳақоратли ҳолат эди.

Ўшанда Туркия бош вазири Ражаб Эрдоғон мамлакатда юқори ҳарбий тайёргарлик ҳолати эълон қилинганини маълум қилди. Унинг фикрича, агар Сурия ҳарбийлари Туркия билан чегарада қандайдир хатти-ҳаракат амалга оширадиган бўлса, у ҳарбий таҳдид сифатида қаралишини айтиб ўтган. Бундан аввалроқ Туркия БМТ Хавфсизлик кенгашига ўз ҳарбий ракетасининг уриб туширилиши минтақада хавфсизликка жиддий раҳна солишини таъкидлаб, огоҳлантириш юборган эди. Туркия ҳаво мудофаа кучлари ўз ракета ва артиллерия тизимларини Сурия билан чегарадош ҳудудларга жойлаштира бошлади.

Бу фактларнинг ўзи ҳам ушбу ҳодисани тўлиқ ўрганиш ва айбдор кимлигини аниқлаш масаласи шубҳа остига қўяди. Шундоқ ҳам, халқаро босимда қолган Суриянинг ҳудудий дахлсизлигига раҳна солиш, истиқболда ушбу ҳаракатлардан ҳақиқий уруш учун сабабни яратиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон расмий матбуотида "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун эълон қилинди. Бу мазкур қонун кучга кирди дегани.

Қонунга кўра, мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкдан ҳўжалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эғалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланмаган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак.

Хусусий мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мулкдорга мол-мулкка эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш муддати белгиланишига йўл қўйилмайди.

Мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади, унга мувофиқ қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан

Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди

боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади.

Хусусий мулк бўлган мол-мулк национализация, мусодара ва реквизиция қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкни, шу жумладан ер участкасини национализация ва реквизиция қилинган ҳолларда олиб қўйиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мулкдорга унинг бозор қиймати, шунингдек бундай олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўла қопланиши шарти билангина амалга оширилади.

Мулкдор хусусий мулк бўлган мол-мулкни национализация, мусодара ва реквизиция қилиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибиде шикоят қилишга ҳақли.

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ёки дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига фақатгина қонунларда белгилан-

ган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиб, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк берилади ва у кўрган бошқа зарарларнинг ўрни қопланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрни тўла ҳажмда қопланади.

Давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган қарори, шу жумладан ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши мулкдор билан келишувга кўра тегишinchа туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ер участкасини олиб қўйиш ва уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни кўпориб ташлаш тўғрисидаги қарор аҳоли пунктларининг бош режаларига, шунингдек турар жой даҳалари ҳамда кичик даҳаларини батафсил режалаштириш ва куриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади.

Олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни кўпориб

ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмайди.

Давлат органлари уйнинг, бошқа иморатларнинг, иншоотларнинг ёки дов-дарахтларнинг мулкдорини қабул қилинган қарор тўғрисида бузиб ташлаш бошланишидан камида олти ой олдин, билдиришномалга тегишinchа Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими қарорининг кўчирма нусхасини илова қилган ҳолда ёзма равишда (имзо қўйдириб) хабардор қилиши шарт.

Олиб қўйилаётган ер участкаларидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда хусусий мулк ҳуқуқи бекор қилинаётганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ана шу мол-мулк бевосита олиб қўйилишидан олдинги пайтдаги ёки олиб қўйилиши ҳақидаги хабар мол-мулкнинг қийматига таъсир кўрсатган пайтдаги ҳолатга кўра баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланади.

Ер участкасини олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга бузиб ташланаётган мол-мулк

нинг ўрнини қоплаш, бузиб ташланаётган уйнинг мулкдорига турар жой бериш, бузиб ташланаётган уй ўрнига яқка тартибда уй-жой қуриши учун фуқарога ер участкаси бериш, ер участкаси ва бошқа мол-мулк олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилуғига қадар амалга оширилиши мумкин эмас. Мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари ҳам низони кўриб чиқишда ҳал этилади.

Давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсиздир. Хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди.

Ушбу Қонун кучга кирганидан кейин хусусийлаштирилган мол-мулк бўйича хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек суд томонидан ташаббус билан чиқишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон ўсмирлари - Осиё чемпиони



Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (U-16) мамлакатимиз терма жамоалари тарихида илк бора Осиё чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритди.

2012 йилги Осиё чемпионатининг финал баҳсида Япония ўсмирлар терма жамоасига қарши баҳс олиб борган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси, ўйиндан кейинги пенальтилар сериясида зафар қучиб, қитъа чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Ўйиннинг 6-дақиқасидаёқ ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборган Ўзбекистон терма жамоаси, учрашувнинг 52-дақиқасигача рақиб дарвозасига йўл топа олишмади. Аммо, айнан шу дақиқа ўсмирларимиз учун омадли келди ва рақиб дарвозаси ишғол этилди. Ушбу тарихий голга эса, терма жамоамиз ҳужумчиси Ақобир Тўраев муаллифик қилди. "Бухоро" жамоаси ҳужумчиси учун мазкур қитъа чемпионати жуда омадли келди, дейиш мумкин. Эсингизда бўлса, Ақобир Тўраев чорак финал баҳсида Жанубий Корея ўсмирлар терма жамоаси дарвозасини ҳам ишғол этиб, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритишига сабабчилардан бири бўлганди.

Бугунги баҳсда дарвозаларга бошқа тўп киритилмади ва 1:1 ҳисоби ўйин якунигача ўзгармади. Шу тариқа, иккала терма жамоа аъзолари пенальтилар сериясида Осиё чемпиони унвони учун баҳслашадиган бўлишди. Пенальтилар сериясида эса омад Ўзбекистон терма жамоасига кулиб боқди. Япониялик рақибларига нисбатан анча совуққон ва хотиржамроқ ҳаракат қилган Ўзбекистон терма жамоаси пенальтилар сериясида ғалаба қозонди. Терма жамоамиз дарвозабони Сарвар Каримов ушбу баҳснинг қахрамонига айланди десак, муболаға бўлмайди. Пенальтилар сериясида Япония терма жамоаси футболчиларининг иккита зарбасини қайтарган терма жамоамиз дарвозабони, мазкур ғалабага ўзининг катта ҳиссасини қўшди. 1:1 ва пенальтилар сериясида 3:1 ҳисобида зафар қучган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Ўзбекистон (U-16) - Япония (U-16) 1:1 (0:1) (пенальтилар сериясида 3:1)

Голлар: Ақобир Тўраев (51) - Мизутани Такума (6).

Ўзбекистон (U-16): Сарвар Каримов, Жамшид Болтабоев, Ислон Исмоилов, Ақром Комилов, Улуғбек Давлатов (Илхом Абдуганиев, 64), Равшан Хурсанов, Иброҳим Абдуллаев, Ислонбек Каримов, Достонбек Ҳамдамов (Адҳам Аҳмаджонов, 46), Отабек Шукуров (к), Ақобир Тўраев (Алишер Мирзаев, 90)

Япония (U-16): Нагасава, Ишида (Хироки, 78), Сузуки, Мотеги, Ватару, Сугимото, Аояма (Коки, 57), Мизутани Такума (88), Миямото, Миёши, Казуя (к).

Ҳакамлар: Абдулрахмон Абду (Қатар), Абдулла Ал Шалвай (Саудия Арабистони), Хсу Мин Ю (Хитой Тайпейи), Стребре Деловски (Австралия)

Комиссар: Жерри Хуанг Сонг (Хитой).

Яқинда Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 67-сессияси бўлиб ўтди. Унда 100 нафардан ортиқ давлат ва ҳукумат етакчилари, шунингдек, ташқи ишлар вазирлари ҳамда делегация раҳбарлари нутқ сўзлашди. БМТ Бош Ассамблеясининг 67-сессиясида 170 дан ортиқ масала кўриб чиқилди. Улар орасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, терроризмга ва жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш, инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари бордир.

Ушбу масалалар орасида Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажд, Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху чиқишлари дунё оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинди. Хусусан, Биньямин Нетаньяху ўз маърузасида Эрон ўз ядровий қуролини яратиши учун оз муддат қолганлигини таъкидлади. Унинг фикрича, Эрон урanni бойитиши учун барча имкониятларга эга. Бу кетишда келаси йилнинг ярмига қадар ўз ядровий қуролига эга бўлиши мумкин. Бунга жа-



Оддий маърузанинг глобал таъсири

ҳон ҳамжамияти йўл қўймаслиги керак, деб қайд этади Исроил бош вазири.

Нетаньяхунинг фикрича, Эрон томонидан урanni бойитиш 90 фоизга етказилиши жаҳон ҳамжамияти учун "қизил линия" бўлиши керак ва шундан сўнг жаҳон ҳамжамияти жиддий муносабат билдириши керак.

Биньямин Нетаньяху маърузасининг ўзи хос жиҳати шундаки, у кўпчиликнинг олдида қўлига плакат олиб, унга қизил пламастерда қизил чизиқ тортиб, "қизил чизиқ урушга олиб бормади, балки унинг олдини олади", деб айтди у. Унинг фикрича, жаҳонда тинчликка Эрончалик таҳдид солаётган нарса йўқдир.

Исроил бош вазирининг айтишича, расмий Техрон учун қўлланиб келинаётган санкциялар қарийб фойда бермаётир. "Бугун жуда кеч бўлди. Эрон ядро дастурида дам олиш куни

йўқ", деб таъкидлади у, жумладан.

Исроил бош вазири АҚШ билан тил топишига умид билдирди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Биньямин Нетаньяхунинг мазкур "Биби бомбаси" (Биньямин Нетаньяхунинг "Биби" дейишади) картинаси замонавий нутқ санъатининг энг катта ютуқларидан бири сифатида қабул қилинди.

Исроил бош вазири номини ошкор қилмаган маслаҳатчисининг "Рейтерс"га айтишича, бу ғояни маслаҳатчилар кўп бора муҳокама қилиб кўришган.

Бу оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда қизгин муҳокама қилиниб, кенг жамоатчилик реакциясига сабаб бўлди. Пиар-мутахассисларнинг таъкидлашича, Исроил бош вазирининг мазкур картинани ўз нутқида ишлатилиши бошқаларнинг диққат-эътиборини жалб қилишдир.

Шуни алоҳида қайд

этиш керакки, БМТ тарихида нутқларда аудио ва визуал воситалардан фойдаланиш ҳолатлари илгари ҳам кузатилган. Масалан, 1962 йили Кариб инқироzi пайтида БМТ Хавфсизлик кенгашида АҚШ махсус вакили суратларни ишлатади. 2003 йилда собиқ АҚШ Давлат котиби К. Пауэлл БМТ хавфсизлиги кенгашида Саддам Ҳусайннинг ядровий, биологик ҳамда химиявий қурол борлигини ҳақида Америка назариясини картиналарда кўрсатган эди. 2009 йилда Муаммар Қаддофий БМТ Устави нусхасини қўлига олиб, йиртиб, БМТ Бош ассамблеяси президенти-га қаратиб отган эди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, БМТ Бош ассамблеясида нутқ сўзлаган АҚШ президенти Исроил позициясини қўллаб-қувватлаб, Америка "Техрон ядровий қуролни қўлга киритмаслиги учун барча чораларни кўришини" маълум қилди.

АҚШ Давлат Департаменти 2014 йил "Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар - DV" (Грин Кард) Лотереясига рўйхатга олиш даври 2012 йил 2 октябрдан 2012 йил 3 ноябргача жамоат учун очиқ бўлишини эълон қилди.

Ҳар йили АҚШ ҳукумати АҚШга иммиграция кўрсаткичлари паст бўлган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон фуқаролари учун "Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар - DV" дастури орқали 50000 та доимий яшаш ҳуқуқини берувчи визалар ажратади. Визалар сўнгги беш йил мобайнидаги иммиграция кўрсаткичлари асосида олти минтақавий ҳудуд орасида тақсимланади; бунда иммиграция кўрсаткичлари паст бўлган ҳудудларга кўпроқ визалар миқдори белгиланади. Бу йил ушбу лотереяда 190 давлат вакиллари иштирок этади. Бир давлат учун энг кўп бериладиган визалар миқдори 3500 тани ташкил этади. Визага мурожаат этувчилар компьютер орқали амалга ошириладиган тасодифий танлов лотереяси ёрдамида сараланади. Шахнинг исми лотереяда танланиши унга иммиграцион визага мурожаат этиш жараёнининг кейинги босқичларини ўтиш имкониятини беради.

Мурожаатчилар DV Лотереясига 2012 йил 2 октябр, сешанба куни. Тошкент вақти билан соат 21:00 дан бошлаб рўйхатдан ўтишлари мумкин. Рўйхатга олиш даври 2012 йил 3 ноябрь, шанба куни, Тошкент вақти билан 21:00 да тугайди. Барча аризалар электрон равишда рўйхатга олиш даврида <http://www.dvlottery.state.gov> саҳифаси орқали топширилиши шарт. DV Лотереясига ариза бериш учун ҳеч қандай ҳақ олинмайди. Мурожаат этувчиларга аризаларини топшириш учун рўйхатга олиш даврининг сўнгги ҳафтасигача кутмаслик тавсия этилади. Дунё бўйича талабнинг ўта юқорилиги Интернет саҳифаси ишининг секинлашувига олиб келиши мумкин. 2012 йил 3 ноябрь соат 21:00 дан кейин бирорта ҳам ариза қабул қилинмайди.

2013 йил 1 майдан бошлаб, қатнашчилар ўзларининг аризалари рўйхатга олинганини тасдиқловчи варақларидан фойдаланиб, Давлат Департаментининг Интернет саҳифасида иммиграцион визага мурожаат этиш жараёнининг кейинги босқичларига ўтиш учун танланган ёки танланмаганликлари ҳақида маълумотларни билиб олишлари мумкин.

DV Лотереясининг талабларига жавоб бериш учун мурожаат этувчи ушбу лотереяда қатнашиши мумкин бўлган давлатлардан бири, шу жумладан, Ўзбекистондан бўлиши ва ўрта мактаб даражасига тенг маълумотга эга бўлмоғи керак.

DV Лотереясида ютгандан сўнг, виза олиш учун ушбу асосий ҳужжатлар талаб қилинади: виза аризаси, муайян клиникада тасдиқланган тиббиёт варақаси, жиноятчилик билан боғлиқ бўлмаган фаолият ҳақидаги сўров,

маълумоти ҳақидаги ҳужжат. Виза ҳаражатлари учун ҳар бир кишига 330\$ дан ҳақ олинади. Ушбу тўлов ўтган йили 819\$ ни ташкил этганди.

Гарчи кўплаб компаниялар "Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар" лотереясига ариза топшириш бўйича ўз хизматларини таклиф этсалар ҳам, уларнинг хизматлари-

лотереянинг расмий сайтига кириб, у ердаги анкетани ўзлари тўлдира олмайдилар. Улар мана шундай фирмаларга мурожаат қилдилар. Лекин фирма агентлари лотерея тўлдирилганлиги ҳақидаги рақамни аризаларга бермайдилар. DV лотереяси натижалари чиққанда эса "виза агентлари" ўзлари текшириб, лотереяда голиб бўлганларга кўнғироқ қилишда ҳамда кодни бериш эвазига аризаларнинг молиявий аҳволига қараб, 300\$ дан 3000 \$ гача "суюнчи" талаб қилишади. Мана шундай ҳолатнинг олдини олиш учун қандай чоралар қўлланиши керак? Ариза топширилганлар шу ҳолатда Консулликка кодни олиш учун муро-

йилги "Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар - DV" (Грин Кард) Лотереясига бағишланган Пресс-гапта Консул Дэвид Мико куйидаги фактларни тақдим этган эди: Ўтган йили "Грин Кард" ютганларнинг ўртача оилавий аҳволи 2,8 кишини ташкил этган. Ўртача эш эса 30 дир. Улардан ўрта маълумотлилари 31%, коллеж маълумоти эгалари 35%, бакалаврлар 28%, магистрлар 5% ни ташкил этган. Голиб бўлганларнинг 63%и Самарқанд вилояти вакиллари бўлса, 28%и Тошкент шаҳри ва вилояти ҳиссасига тўғри келган. Бошқа вилоятлар кўрсаткичлари анча паст. Грин Кард орқа-

рўйхатдан ўтишлари мумкин. Рўйхатга олиш даври 2012 йил 3 ноябрь, шанба куни, Тошкент вақти билан 21:00 да тугайди. Барча аризалар электрон равишда рўйхатга олиш даврида <http://www.dvlottery.state.gov> саҳифаси орқали топширилиши шарт. DV Лотереясига ариза бериш учун ҳеч қандай ҳақ олинмайди. Мурожаат этувчиларга аризаларини топшириш учун рўйхатга олиш даврининг сўнгги ҳафтасигача кутмаслик тавсия этилади. Дунё бўйича талабнинг ўта юқорилиги Интернет саҳифаси ишининг секинлашувига олиб келиши мумкин. 2012

Грин Кард «суюнчиси» — 3000\$?

дан фойдаланиш шахсининг лотереяда голиб бўлиш эҳтимоллигини ҳеч қайси йўл билан оширмайди. DV Лотереясида голиб бўлган шахс АҚШ Элчихонаси ёки Консуллик Бўлимига ўз виза сўхбати учун келгунига қадар, АҚШ Давлат Департаменти мазкур дастур бўйича ҳеч қандай тўловлар олмайди. Кўшимча маълумотларни АҚШ элхонаси сайтидан олишингиз мумкин: http://uzbek.uzbekistan.usembassy.gov/dv_uz.html

Ўзбекистондан 2007 йили 910 киши Грин Кард асосида виза олган бўлса, бу рақам 2008 йили 2100 га, 2009 йили 2200 га, 2010 йили 3200 га, 2011 йили 3079 га етган. 2012 йилги Грин Кард дастури учун Ўзбекистондан 507 361 та ариза топширилган, шулардан 4800 таси (9%) лотереяда ютган. Уларнинг 3079 тасига виза берилган. (Қолганларига турли сабаблар туфайли виза берилмаган. Виза берилмаслигининг асосий сабаби дастур аризасида нотўғри маълумотлар келтирилганлигидир). 2013 йилги Грин Кард дастури учун Ўзбекистондан 654 327 та ариза топширилган, шулардан 5101 таси (8%) лотереяда ютган. Ўзбекистон 2011 йили DV Лотереясида энг кўп ютганлар сони бўйича 7-ўринда бўлган бўлса, 2012-2013 йилги дастурда 5-ўринни эгалламоқда. 2013 йилги DV Лотереяси натижаларига кўра, Украина биринчи ўринда (1 232 306 та ариза, 6424 ютук) бўлса, Нигерия (1 975 571 ариза, 6218 та ютук), Эрон (692 410 ариза, 6029 та ютук), Гана (1 056 032 ариза, 5105 та ютук) кейинги ўринларни эгалламоқда.

4 октябр куни АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасида журналистлар учун ўтказилган навбатдаги Пресс-гапта Консуллик бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Отто Вестхассел Грин Кард лотереяси ҳақида журналистларнинг саволларига жавоб берди.

- Грин Кард лотереяси ўнладалиган ойда бир қанча фирмалар аризани тўлдириш бўйича ўз хизматларини таклиф этадилар. Масалан, Самарқандда шу каби "виза агент"лари ишхоналар, маҳаллалар, ҳатто мактабларга бориб, DV лотереяси аризаси учун мижоз қидирадилар. Кўпчиликка маълумки, ариза берувчиларнинг аксарияти

жаат қилсалар бўладими?

- АҚШ давлат департаменти DV лотереясини ҳар бир иштирокчи ўзи тўлдиришини ҳамда тўлдирилганлиги ҳақидаги рақамни сақлаб қўишни тавсия этади. Бу йилдан DV лотереяси расмий сайтида аризада киритилган e-mail (агар ўша e-mail аризада кўрсатилган электрон почта билан мос келса) орқали рақамни топиш функцияси киритилди. Фирибгарларнинг қўлига тушиб қолмаслиги учун аризалар ўз маълумотларини бошқаларга тақдим этмасликларини тавсия этилади.

- DV лотереяси аризасини ўзбек тилида тўлдириш мумкинми?

- Ариза фақатгина инглиз тилида тўлдирилади. DV лотереяси сайтида аризани қандай тўлдириш ҳақидаги маълумотнома ўзбек тилида ҳам тақдим этилган: http://travel.state.gov/pr_d_f/DV_2014_Instructions_UZBEK.pdf

- Академик лицейнинг 3-курсда тахсил олаётган талаба DV лотереяси аризасини тўлдириши мумкинми?

- Масалан, ариза топшираётган шахс ҳозир 3-курсда ўқимокда. Кейинги йили ёзга у ўқишни битиради. Агар шу шахс кейинги йили май ойида лотереяни ютса, то виза олгани киргунча қўлида дипломи бўлади. АҚШ ўрта таълимига тенг келувчи ушбу диплом унга виза олиш учун асос бўлиши мумкин.

- Ўзбекистонликлар учун DV лотереяси лимити тўлиб қолмоқда, энди Ўзбекистон учун ушбу дастурда жой ажратилмайди, деган миш-мишлар юрибди. Бу қанчалик асосли?

- Ўзбекистон учун ушбу дастурда жой ажратилмаслиги ҳақида менда ҳеч қандай маълумот йўқ. Одатда сўнгги 5 йил ичида АҚШга келган иммигрантлар сони 50000 дан ошган давлатлар учун Грин Кард ажратилмайди. Сўнгги беш ичида АҚШга келган ўзбекистонлик иммигрантлар сони 50000 дан ошган эмас.

- 2013 йилги DV лотереяси голиблари орасида қайси вилоят вакиллари етакчилик қилмоқда?

- Регионлар бўйича статистика юритмаймиз. Лекин, энг кўп DV лотереясини ютаётганлар самарқандликлар эканлигини айтишим мумкин.

Д.Т.: Эслатиб ўтаман, ўтган



ли виза олганларнинг 74%и яшаш жойи сифатида Нью-Йоркни танлашган.

Давронбек Тожиалиев

АҚШ Давлат Департаменти 2014 йил "Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар - DV" (Грин Кард) Лотереясига рўйхатга олиш даври 2012 йил 2 октябрдан 2012 йил 3 ноябргача жамоат учун очиқ бўлишини эълон қилди.

Ҳар йили АҚШ ҳукумати АҚШга иммиграция кўрсаткичлари паст бўлган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон фуқаролари учун "Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар - DV" дастури орқали 50000 та доимий яшаш ҳуқуқини берувчи визалар ажратади. Визалар сўнгги беш йил мобайнидаги иммиграция кўрсаткичлари асосида олти минтақавий ҳудуд орасида тақсимланади; бунда иммиграция кўрсаткичлари паст бўлган ҳудудларга кўпроқ визалар миқдори белгиланади. Бу йил ушбу лотереяда 190 давлат вакиллари иштирок этади. Бир давлат учун энг кўп бериладиган визалар миқдори 3500 тани ташкил этади. Визага мурожаат этувчилар компьютер орқали амалга ошириладиган тасодифий танлов лотереяси ёрдамида сараланади. Шахнинг исми лотереяда танланиши унга иммиграцион визага мурожаат этиш жараёнининг кейинги босқичларини ўтиш имкониятини беради.

Мурожаатчилар DV Лотереясига 2012 йил 2 октябр, сешанба куни. Тошкент вақти билан соат 21:00 дан бошлаб

йил 3 ноябрь соат 21:00 дан кейин бирорта ҳам ариза қабул қилинмайди.

2013 йил 1 майдан бошлаб, қатнашчилар ўзларининг аризалари рўйхатга олинганини тасдиқловчи варақларидан фойдаланиб, Давлат Департаментининг Интернет саҳифасида иммиграцион визага мурожаат этиш жараёнининг кейинги босқичларига ўтиш учун танланган ёки танланмаганликлари ҳақида маълумотларни билиб олишлари мумкин.

DV Лотереясининг талабларига жавоб бериш учун мурожаат этувчи ушбу лотереяда қатнашиши мумкин бўлган давлатлардан бири, шу жумладан, Ўзбекистондан бўлиши ва ўрта мактаб даражасига тенг маълумотга эга бўлмоғи керак.

DV Лотереясида ютгандан сўнг, виза олиш учун ушбу асосий ҳужжатлар талаб қилинади: виза аризаси, муайян клиникада тасдиқланган тиббиёт варақаси, жиноятчилик билан боғлиқ бўлмаган фаолият ҳақидаги сўров, маълумоти ҳақидаги ҳужжат. Виза ҳаражатлари учун ҳар бир кишига 330\$ дан ҳақ олинади. Ушбу тўлов ўтган йили 819\$ ни ташкил этганди.

Гарчи кўплаб компаниялар "Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар" лотереясига ариза топшириш бўйича ўз хизматларини таклиф этсалар ҳам, уларнинг хизматларидан фойдаланиш

(Давоми 13-бетда).

(Давоми. Бошланиши 12-бетда).

шахсининг лотереяда голиб бўлиш эҳтимоллигини ҳеч қайси йўл билан оширмайди. DV Лотереясида голиб бўлган шахс АҚШ Элчихонаси ёки Консуллик Бўлимига ўз виза суҳбати учун келгунига қадар, АҚШ Давлат Департаменти мазкур дастур бўйича ҳеч қандай тўловлар олмайди. Кўшимча маълумотларни АҚШ элхонаси сайтидан олишингиз мумкин: http://uzbek.uzbekistan.usembassy.gov/dv_uz.html

Ўзбекистондан 2007 йили 910 киши Грин Кард асосида виза олган бўлса, бу рақам 2008 йили 2100 га, 2009 йили 2200 га, 2010 йили 3200 га, 2011 йили 3079 га етган. 2012 йилги Грин Кард дастури учун Ўзбекистондан 507 361 та ариза топширилган, шулардан 4800 таси (9%) лотереяда ютган. Уларнинг 3079 тасига виза берилган. (Қолганларига турли сабаблар туфайли виза берилмаган. Виза берилмаслигининг асосий сабаби дастур аризада нотўғри маълумотлар келтирилганлигидир). 2013 йилги Грин Кард дастури учун Ўзбекистондан 654 327 та ариза топширилган, шулардан 5101 таси (8%) лотереяда ютган. Ўзбекистон 2011 йили DV Лотереясида энг кўп ютганлар сони бўйича 7-ўринда бўлган бўлса, 2012-2013 йилги дастурда 5-ўринни эгалламоқда. 2013 йилги DV Лотереяси натижаларига кўра, Украина биринчи ўринда (1 232 306 та ариза, 6424 ютук) бўлса, Нигерия (1 975 571 ариза, 6218 та ютук), Эрон (692 410 ариза, 6029 та ютук), Гана (1 056 032 ариза, 5105 та ютук) кейинги ўринларни эгаллаган.

4 октябрь куни АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасида журналистлар учун ўтказилган навбатдаги Пресс-гапда Консуллик бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Отто Вестхассел Грин Кард лотереяси ҳақида журналистларнинг саволларига жавоб берди.

Грин Кард лотереяси ўйналадиган ойда бир қанча фирмалар аризани тўлдириб бўйича ўз хизматларини таклиф этадилар. Масалан, Самарқандда шу каби "виза агент"лари ишхоналар, маҳаллар, ҳатто мактабларга бориб, DV лотереяси аризаси учун мижоз қидирадилар. Кўпчиликка маълумки, ариза берувчиларнинг аксарияти лотереянинг расмий сайтига кириб, у ердаги анкетани ўзлари тўлдиролмайдилар. Улар мана шундай фирмаларга мурожаат қиладилар. Лекин фирма агентлари лотерея тўлдирилганлиги ҳақидаги рақамни аризачиларга бермайдилар. DV лотереяси натижалари чиққанда эса "виза агентлари" ўзлари текшириб, лотереяда голиб бўлганларга кўнғироқ қилишади ҳамда кодни бериш эвазига ариза-чининг молиявий аҳолига қараб, 300\$ дан 3000 \$ гача "суюнчи" талаб қилишади. Мана шундай ҳолатнинг олдини олиш учун қандай чоралар қўлланиши керак? Ариза топширилганлар шу ҳолатда Консулликка кодни олиш учун мурожаат қилсалар

бўладими?

- АҚШ давлат департаменти DV лотереясини ҳар бир иштирокчи ўзи тўлдирганини ҳамда тўлдирилганлиги ҳақидаги рақамни сақлаб қўшишни тавсия этади. Бу йилдан DV лотереяси расмий сайтида аризада киритилган e-mail (агар ўша e-mail аризада кўрсатилган электрон почта билан мос келса) орқали рақамни топиш функцияси киритилди. Фирибгарларнинг қўлига тушиб қолмаслиги учун аризачилар ўз маълумотларини бошқаларга тақдим этмасликлари тавсия этилади.

- DV лотереяси аризасини ўзбек тилида тўлдириб мумкинми?

- Ариза фақатгина инглиз тилида тўлдирилади. DV лотереяси сайтида аризани қандай тўлдириб ҳақидаги маълумотнома ўзбек тилида ҳам тақдим этилган: http://travel.state.gov/pdf/DV_2014_Instructions_UZBEK.pdf

- Академик лицейнинг 3-курсда таҳсил олаётган талаба DV лотереяси аризасини тўлдириб мумкинми?

- Масалан, ариза топшираётган шахс ҳозир 3-курсда ўқиётган бўлса. Кейинги йили ёзга у ўқишни битиради. Агар шу шахс кейинги йили май ойида лотереяни ютса, то виза олгани киргунча қўлида дипломи бўлади. АҚШ ўрта таълимига тенг келувчи ушбу диплом унга виза олиш учун асос бўлиши мумкин.

- Ўзбекистонликлар учун DV лотереяси лимити тўлиб қолмоқда, энди Ўзбекистон учун ушбу дастурда жой ажратилмайди, деган мишмишлар юрибди. Бу қанчалик асосли?

- Ўзбекистон учун ушбу дастурда жой ажратилмаслиги ҳақида менда ҳеч қандай маълумот йўқ. Одатда сўнгги 5 йил ичида АҚШга келган иммигрантлар сони 50000 дан ошган давлатлар учун Грин Кард ажратилмайди. Сўнгги беш ичида АҚШга келган ўзбекистонлик иммигрантлар сони 50000 дан ошган эмас.

- 2013 йилги DV лотереяси голиблари орасида қайси вилоят вакиллари етакчилик қилмоқда?

- Регионлар бўйича статистика юритмаймиз. Лекин, энг кўп DV лотереясини ютаётганлар самарқандликлар эканлигини айтишим мумкин.

Д.Т.: Эслатиб ўтаман, ўтган йилги "Турли Миллат Вакиллари учун Иммиграцион Визалар - DV" (Грин Кард) Лотереясига бағишланган Пресс-гапда Консул Девид Мико қуйидаги фактларни тақдим этган эди: Ўтган йили "Грин Кард" ютганларнинг ўртача оилавий аҳоли 2,8 кишини ташкил этган. Ўртача ёш эса 30 дир. Улардан ўрта маълумотлилари 31%, коллеж маълумотига эгалари 35%, бакалаврлар 28%, магистрлар 5% ни ташкил этган. Голиб бўлганларнинг 63%и Самарқанд вилояти вакиллари бўлса, 28%и Тошкент шаҳри ва вилояти ҳиссасига тўғри келган. Бошқа вилоятлар кўрсаткичлари анча паст. Грин Кард орқали виза олганларнинг 74%и яшаш жойи сифатида Нью-Йоркни танлашган.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ.

Отнинг ўлими итнинг байрами.

Мақол

Кампир тонг қоронғисида хамир қилгани туриб хўкизидан хабар олди. О!.. Хўкиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган... Дехқоннинг уйи куйса куйсин, хўкизи йўқолмасин. Бир қоп сомон, ўн-ўн бешта хода, бир арава қамиш-уй, хўкиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак бўлади.

Одамлар дод овозига ўрганиб қолган: бировни эри уради, бировнинг уйи хатга тушади... Аммо кампирнинг додига одам тез тўпланди. Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, яқтакчан оғил эшиги ёнида туриб дагдаг титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади; кўзлари жавдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни кўрмайди. Хотинлар ўғрини қарғайди, ит ҳуради, товуқлар қақағлайди. Кимдир шундай кичкина тешиқдан хўкиз сиғишига ақл ишонмаслиги тўғрисида кишиларга гап маъқуллайди.

Қобил бобонинг қўшниси - бурунсиз элликбоши кирди. У оғилга кириб тешиқни, хўкиз боғланган устунни диққат билан кўздан кечирди; негадир устунни қимирлатиб ҳам кўрди, сўнгра Қобил бобони чақирди ва паст товуш билан деди:

- Хўкизинг ҳеч қаёққа кетмайди, топилади!

Унинг оғилга кириб қилган тафтиши Қобил бобога бир умид бағишлаган эди, бу сўзи ҳаддан зиёд севинтирди. Чол йиғлаб юборди.

- Худо хайр берсин... Ола хўкиз эди...

Одамлар, ўғри деворни қачон ва қандай асбоб билан тешгани, хўкизни қайси томонга олиб кетгани, уни қайси бозорда сотиши мумкин эканлиги тўғрисида баҳслаша-баҳслаша тарқалди. Говур босилди. Қобил бобонинг кампири йиғидан тўхтаб, элликбошини дуо қила кетди.

Элликбоши ўғри тешган ерни яна бир кўрди. Қобил бобо қўл қовуштириб унинг кетидан юрар ва йиғлар эди.

- Йиғлама, йиғлама дейман! Хўкизинг оқ пошшо қўл остидан чиқиб кетмаган бўлса, топилади.

Элликбоши хўкизни жуда нақд қилиб қўйди - гўё у кўчага чиқса бас - хўкиз топилади. Бу "худо яллақағур" шунчалик қилгандан кейин бир нима бериш лозим-да. Текинга мушук офтобга чиқмайди. Бу одам элликбоши бўлиш учун озмунча пул сочганими? Мингбошининг бир ўзига етти юз боғ беда, бир той бергани маълум. Пошшоликдан ойлик емаса! Қобил бобо ҳамёнини қоқиштириб, борини элликбошига берди, яна қанча дуо қидди. Элликбоши бетўхтов аминга хабар қил-моқчи бўлиб чиқиб кетди.

Кечқурун Қобил бобо аминнинг олдига борадиган бўлди. Қуруқ қошиқ оғиз йиртади, аминга қанча пул олиб борса бўлади? Берганга битта ҳам кўп, олганга ўн та ҳам оз. Чол-кампир кенгашиб шундай қарорга келишди: бу чиқим охириги ва хўкизни бўйнидан боғлаб берадиган чиқим, шунинг учун пулнинг узига қараш ақлдан эмас.

Қобил бобо рўпара бўлганда амин оғзини очмасдан қаттиқ кекирди, кейин бағбақасини осилтириб кулди.

- Ха, сигир, йўқолдимми?
- Йўқ... сигир эмас, хўкиз, ола хўкиз эди.
- Хўкизми?... Хўкиз экан-да! Ҳимм... Ола хўкиз? Тавба!..

- Бори-йўғим шу битта хўкиз эди...
Амин чинчалоғини иккинчи бўғинигача бурнига тикиб кулди.

- Йўқолмасдан илгарди бормиди? Қандақ хўкиз эди?

- Ола хўкиз...
- Яхши хўкизмиди ё ёмон хўкизмиди?
- Қўш маҳали...
- Яхши хўкиз биров етакласа кета берадимми?

- Бисотимда ҳеч нарса йўқ...
- Ўзи қайтиб келмасмикин?... Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин!

Абдулла Қаҳҳор



Қобил бобо ерга қараб тек қолди.

- Қидиртирсакмикин-а?-деди амин чинчалоғини этигининг остига артиб, - суюнчиси нима бўлади? Суюнчидан чашна олиб келинмадимми?

Аминнинг бу гапи Қобил бобога "Ма, хўкизинг" деган-дай бўлиб кетди.

- Кам бўлманг,- деди пулни узатиб,- яна хизматингиздаман.

- Мен бетўхтов приставга хабар бераман. Ўзи чақиртиради. Бир ҳафта ўтди. Бу бир ҳафта ичида кампир "дуонинг зўри билан қулф очадиган" азайимхонга обдастагардон қилдиргани қатнаб ярим қоп жийда, уч елпиш товоқ жўхори, икки калава ип элтди, аммо иш чикмади. Саккизинчи куни Қобил бобо яна аминнинг олдига борди. Аминнинг тепа сочи тикка бўдди:

- Ҳа, хўкизни уйлари-га элтиб берилсинми?! Ахир, борилсин, арз қилсин-да! Фуқаронинг арзга бориши арбобнинг иззати бўлади!

Қобил бобо ёр-дўстлари билан кенгашиди - приставга пулдан бошқа нима олиб борса бўлади? Маълум бўлдики, уни бегим дегунча кишининг бели синар экан.

Учта товуқ, гарчи бири курк бўлса ҳам, Қобил бобонинг ўзидан чиқди. Юзта тухумни кўни-қўшни, ёр-биродарлар ўзаро йиғиб берди. Аммо бу тортиқ билан тилмочдан нари ўтиб бўлмади. Тилмоч тортиқни олди ва бетўхтов приставга яхшилаб тушунтиришни ваъда қилди. Чолнинг бутун бўғинлари бўшашиб кетди, кейин тутақибди, аммо гўрда бир нарса дея оладими! "Ўйнашмагил арбоб билан - сени урар ҳар боб билан". "Яхшилаб тушунтирилган" пристав битта кулангир, битта фаранги товуқ, уч сўм пулни олганидан кейин, Қобил бобонинг бахтига, "бетўхтов ҳокимга хабар бераман" демасдан, "аминга бор", деб кўя қолди. Амин "елликбошига борилсин", деди.

- Гумонингизни айтинг бўлмаса! - деди элликбоши тажанг бўлиб, - ким олганини мен билмасам, авлиё бўлмасам! Олган одам аллақачон сўйиб саранжомлади-да! Узоқ демасангиз, эринмасангиз кўнчиликка бориб териларни бир қараб чиқинг. Аммо териси кўнчиликка тушган бўлса, аллақачон чарм бўлди; худо билади, қавуш бўлиб бозорга чиқдимми...

- Энди бизга жуда қийин бўлди-да. Пешонам шўр бўлмаса... - деди чол ерга қараб.

- Эй, ёш боламисиз! Нега йиғлайсиз? Қап-катта одам... Битта хўкиз бўлса бир гап бўлар, худо ажалга тўзим берсин! Мен қайнагамга айтигин, сизга битта хўкиз берсин. Битта хўкиз одамнинг хуними?

Ертасига элликбоши Қобил бобони бошлаб қайнатаси- Эгамберди пахтафурушнинг олдига олиб борди. Пахтафуруш чолнинг ҳолига кўп ачинди ва ерини ҳайдаб олгани битта эмас, иккита хўкиз берди, лекин "кичкинагина" шартли бор. Бу шарт кузда маълум бўлади...

1936

Хоки аз нуриён покизатор Аз мақоме фақру шохи бохабар

Иқбол.

1954 йил Истамбулда бир кекса ҳамшаҳар билан танишиб қолдим.

Ҳожи бобо лақабиди машҳур кексанинг оти Ҳодихўжа Эшон экан. Ҳодихўжа эшон Ғиждувонда туғилиб, илк мадраса таҳсилни ўз қишлоғида тамомлагач, ўрта маълумот олиш орзусида замонасининг марказ шаҳари ҳисобланган Бухорои шарифга келади. Уртача мазҳабий таълимдан кейин Ҳодихўжага бир фожеа рўй беради. Оқ тан бўлгани учун Бухоро амири ҳукмига мувофиқ, Ҳожибобо яна бир неча оқ тан билан "Песлар шаҳарда турмасин", деб сургун қилинади. Мавсув бир қанча вақт Макка, Мадина каби шаҳарларда истиқомат қилиб, бу орада Қуддус, Мисрга ўхшаган туристик шаҳарларни ҳам кезган. Ниҳоят Фаластинда бир христианга боғбон бўлиб ишга қиради. Христиан бир томондан иззат-ҳурмат қилади-ю, иккинчи томондан эса масихий қилиш ҳаракатига тушиб, сингитибсингитиб табиғ қила бошлайди. Мусофирнинг кўнгли масихий бўлишни қабул қилмай, бу даргоҳни тарк қилади, Истамбулга қараб йўл олади.

Қирқ беш ёшида, 1911 йили Истамбулда бир татар қизи билан дунё уйига қиради, кечимини таъмин этиш учун савдо-сотик ишлари билан шуғуллана бошлайди. Ҳадемай қори-бори ишлари ривожланиб, моддий вазияти тузалади.

Фақат бир оз роҳат нафас олиши биланоқ ўтмиш ҳаёт саҳифаси хаёл экранида варақлана бошлаган бўлса керак, мажбурий мусофиратдан келиб чиққан йўл азоби, севиқли она-Ватанидан узоқларга тушиб қолишининг изтиробини бир-бирига кўринган сари Ватан ишқи, эл улусига бўлган муҳаббати тўқинланади, албатта.

Асалари гулдан гулга кўниб, асал тўплаганидек

Ҳожибобо ҳам хилма-хил ўлкаларни кезиб, турли туман фикрлар танишган эмасми, ҳар бир нарсани анализ қилиши табиийдир. Бошқачароқ қилиб айтганда, ўзини ўз истаб қолади. Ниҳоят ўзини ўзи топади ҳам. Одатда ўзини ўзи таний олган киши дастлаб ўзини ҳайвонлардан айириш фикрига тушиб,

Бобо "дан фарқ қилиши учун).

Ҳожи даданинг ҳам менга бўлган шафқату муҳаббати шу даражада эдики: "Қори афанди, тупроғимни олган ердан сизга ҳам тупроқ олинган. Фикру мулоҳазаларингизнинг яқинлиги тасодиф эмас. Тупроғимиз бир!", деб лутф этар деди.

Ўз юртини ва улусини жон ва кўнгилдан самимиёт билан севар эди.

ЯХШИ ОДАМ

ўзига бир идеал ахтарди - хадаф тайин қилади. Холис ҳаёт қозонида обдон қайнаган Ҳожи бобода инсонпарварлик туйғулари ғалаба қилиб боради.

Ватандошларига ҳар турли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни ўз нафасига бир вазифа қилиб олади, пули тугаб бегона юртларда сарсон бўлиб юрганларга йўл харжи бериб, Ватанга қараб йўллаб кўяди.

Капиталист ўлкаларда биринчи табақага мансуб одамларгина авлодини олий мактабга юбора олади. Урта ва учинчи табақага мансуб оила авлоди илк ва ўрта синфлардан нарига ўта олмайди. Ҳожибобо ана шундай муҳтож талабалардан бир қанчасига бақадри хол моддий ёрдам беради. Бир неча кишини кафил бўлиб, давлат ҳисобига ўқитади. Урта Шарқда у муҳтарамдан ёрдам кўрганлар ҳали ҳам кўп учраб туради. Ана шундай муборак ватандош билан танишиб, дўстлашиб қолишга муяссар бўлган эканман. Кун сайин кўришиб турар эдим, бора-бора жуда иноқлашиб, қадрдон бўлиб қолдик. Байрам кунлари ва ёхуд бирор сафарга чиққанда у киши билан хайру хўш қилмасам кўнглим жойига тушмас эди.

Кейин-кейин мен у кишини ўзбекча қилиб, "Ҳожи дада" дейдиган бўлдим (Туркча "Ҳожи

"Жаҳонда энг катта ифтихорим ўзбеклигим" алангали сўзни худди мана шу тобда эшитилгандек қулоғимда жаранглаб, тозалигини сақлаб турибди...

Ҳар қандай ишим бўлса ҳам тарк қилиб ёзин-қилиш кунда бир бор ҳузурга бир бориб гурунглашиб, "синган сафолим"га яраша файз олиб қайтардим. Сал кунда бирга-бирга уйига қадар элтиб қўядиган бўлдим. Очиқ юз, ширин сўзлигимдан мумтоз адабиётдан хабардор бўлиши қўшилгач, ҳар нафасини бир анжуман қилиб юборган эди. Саъдий, Ҳофиз, Аттот каби Шарқ арбобларининг асарларидан эслаб олган шеър ва ҳикояларни ер-ерида муносабати келганда усталик билан равон айтиб берар эди.

Хўшчақчақлигини айтмай-сизми? Бухоро амирлигининг зулм ва истибдодини эслаган кезларида, шикоятдан қочиш учун бўлса керак, сиёсий фикрини хайрон қоладиган ажойиб маҳорат билан қуйидаги латифа ичига ситдиран эди:

"Бухорои шариф. Рамазон кунларидан бирида мухтасиб ким рўза тутгани, ким тутмаганлигини суриштириб юриб, бир саройга кириб қолади. Қараса, бир банги кўкнорини эзиб ўтирибди. Мухтасиб ёнидаги одамига дарра тушир, деб имо қилади. Елкасига тап-туп этиб, бир-икки дарра тушиб қолгач, банги бошини кўтариб қараса, мухта-

сиб, "Эшон раис ҳамин рамазонки, ҳаст, охир Бухоро вайрон мешавад-да", дейди.

Ҳожи бобо хусусида Истамбулдаги ҳамшаҳарлар орасида машҳур бир ҳикояча бор:

Бир кун дарвозаси тақиллабди. Чиқиб қараса, бир генерал. Буюринг пошом, деб меҳмонхонасига бошлабди. Ҳол-аҳвол сўраганидан кейин генерал: "Худонинг амри, пайғам-

деган мисраларини завқ билан талқини моҳиятда тараннум қилар эдим.

1961 йили Карачида эдим. Истамбулдан бу пири комилнинг вафотидан хабарини олгач, юракдан мутаассир бўлдим, ҳамон хайру худойи қилдим. Куръон ўқиб руҳига бағишладим. Дошиманлар Бухорои Шарифни "Боғи бузургон" деб бекорга айтмаган экан.

Раҳматликдан уч қиз, бир ўғил қолди. Қизлари Холидахон, Мойидахон, Тезархон, акалари Элхонжон. Саломат бўлишсин. Чироғини ёқиб туришибди. Марҳум менга доимо тасалли бериб:

"Қори афанди, кўп сиқилманг, вақти-соати келганда мулоҳазаларингизни қадрлайдиган кишилар ўз-ўзидан кўпайиб қолади. Худо хоҳласа, сиз она юртимиз Туркистонга борасиз, Бобир, Навоий каби улғу шоҳ ва мутафаккирлар, Фаробий, Абу Али ибн Сино каби олим ва файласуфларни етиштирган муқаддас жойларни зиёрат қиласиз, сизга илтимосим шуки, ўша онларда мени ҳам эсланг, азиз Ватанга, эл ва улусимизга салом денг, мен ундай муборак кунларга етиша олмайман, негаки қулоғимга: "пир шуди хофез михони бирун шу" деган овоз қилиб туради, деса, ҳанг-мунг бўлиб қолиб: "Йўқ Ҳоди дада. Худо хоҳласа баравар кетамиз" десам, қаҳқаҳа уриб кулар эди.

Энди билсам ёшлигимга кулар экан. Келажакдаги ўн икки йилда Ватанга мушарраф бўлишимни фаросат кўзи билан кўрган экан.

Раҳматлик кўп яхши одам эди.

бар суннати билан қизингиз Мойидахонни ўғлим Эминга сўрагани келдим", дебди. Ҳожи бобо хайрон бўлибди, "бу кишини умримда кўрмаган бўлсам, қанақасига қайси муносабат билан қиз сўряпти?", деган мулоҳазага бориб, генералга: Пошом, қизинг ўзидан ҳам сўраб, кейин жанобингизга бир жавоб қилайин" деган ҳамона, генерал: "Қизингиз билан бизнинг ўғил келишибди" дебди. "Ҳа, ундай бўлса, бўпти, омин Оллоху акбар", дейди Ҳожи бобо. Ана шунақа серзавқ инсон бўлгани учун бу пирикомил Истамбул табиий гўзаллигининг гўёси эди.

Қачон қарасам бу нуруний кекса савлат тўқиб ва айни вақтда самимий меҳр сочиб ўтирар эди. Феъли бузуқларга юзаки бўлса-да, алоқа кўрсатмай, бундай икки юзлама доимо ўз манфаатинингизга тушунганлардан нафрат қилиб узоқлашишга майил кўрсатар эди.

Истамбулдай шаҳарда таниш-билиши кўп бўлишига қарамай Ҳожи падар жуда камтар, каттаю кичикка баробар эди. Ҳар набзга кўра, шарбат бериб ҳам-мани ром қилишга, айниқса, моҳир эди. Гоҳо-гоҳо Сўфи Оллоғнинг:

Даданг эрдур, сен ҳам Эрдек қилиқ қил.
Ёмонлик қилғонлара сен
Яхшилик қил

Бошқотирма

				Рим императори				... Хи-доят					
	Тулпор	Ўзбек авто-моби			Гул тури	Гул идиши			Эшилган ип	Катта қоп			
				Кўйлак қисми				Мавжуд					
	Мард, азамат	Қасам			... Обид-жон	Кир ювиш кукуни			Асир Хуж-жат	Сокин			
				Степан ...				Ясси юк ке-маси					
Сабр қилувчи		Тамом	Бош-лан-ғич	... Кристи	Кавказ-даги миллат	Қадимий қабил	Муслиқий атама	Тўти тури	Хужум (рус)	Давлат хизмат-чиси	... Ибо-дулла-ев	"Шайта-нат" образи	
Ибодат				Ушал-маган орзу				Ўлик тил					
	Мўй-нали ҳайвон	Душ-ман				... Ик-ромов	Сура бўлағи			Тер-мин	Салқин ичим-лик		
				Кўмир ҳав-заси				Ҳожа ... Валий					
	Мавқе, даража	Волида			Турк-ман пули	Қабил (Мек-сика)				Оға	Дераза қисми		
	Тил							Суз ости камераси ихтиро-чиси					
				Мил-лий таом									

Sag'ir bo'lib momomning qo'lida qoldim. Momomning uchta buzog'ini boqib yurdim. Uning bittasini bo'riga oldirib yubordim. Momom urdi, qochib borib Boymoqli degan qishloqda bir kampirning echkisini boqdim. Bir kun kampir: - Echkilari sut bermay qoldi, men boqayin, sen uloqlarni boqib, suv olib kelib yurgin, - dedi.

Bir kun kampir yo'g'ida bitta patir qilib, betiga moy surkab yeyman deb turib edim, kampir echkini haydab kelib qoldi. Patir bilan moyni qo'ygani joy topolmay, telpagimning ichiga solib boshimga kiydim.

Uloqlar emib qo'ydi, kampir boshimga bir mushtladi. Moy telpakning tagidan tirqirab chiqib ketdi. Voy miyam chiqib ketdi, deb kallamni mahkam ushlab yotdim. Kampir echkini ham boqdi, uloqni ham bog'ladi, suvni ham o'zi olib keldi. Men hech bir ish qilmay yotdim. Bir kun kampir xafa bo'lib:

- Bolam, sen echkini boqqin, men kuvni pishib olay, - dedi.

Men xayr deb echkini boqqani chiqib ketdim. Dalaga borib uxlab qolibman, bir vaqt tursam, yarim kecha bo'libdi. Qulog'imga: "bolayu-bolayu" degan tovush keladi. Qarasam echkilari yo'q. Echkilarniig barisini bo'ri yeb ketibdi. Obbo, kampir meni o'ldiradi deb, qochib borib, Jarqo'rg'onda yotdim. Tong otgandan so'ng soy bo'yiga tushib bordim. Bir odam arpa xirmonida qirqta

tovuqning jo'jasini boqib o'tiribdi.

- Bobojonim, men och qoldim, noniigiz bo'lsa bering, - dedim.

- Huv o'sha uy meniki, borsang non beradi, - dedi.

- Tanimasni siylamas, menga bermaydi, o'zingiz borib menga bir oz non olib kelib bering, men tovuqlarni boqib turay, - dedim.

tiqdim. Qush xurmaga boshini suqib indamasdan qoldi, men simirib yotibdi desam, o'lib qolibdi. Qushning o'ligini olib, egasi kelguncha qarab turdim. U:

- Qushni nima qilib o'ldirding, - dedi.

- Men qatiq berdim, simirib yotibdi desam, o'lib qolibdi, - dedim.

edim, oldimdan tulki chiqib koldi. Po'stinni olguncha bo'lmay, tozi tulkini quvib ketdi. Po'stin parcha-parcha bo'lib toshlarga ilinib qola berdi. Shu yaqindan boy kaklik uchirib: "Qushni qo'yib yubor", deb tovush qildi.

Qushni chiqarib uchirsam, qush borib to'p etib yiqildi, ucholmadi, qanoti qayrilib

- Nima qilib yuribsan, bolam? - dedi. Men:

- O'g'li yo'qqa o'g'il, qizi yo'qqa qiz bo'laman, - dedim.

- Unday bo'lsa sen menga o'g'il bo'lgin, - deb qo'lidagi bolasini qoldirib, - bozordan savdo-sotig'imni qilib kelib bolamni va seni olib ketaman, - dedi.

Onasi ketgandan keyin bolaga uzum-puzum olib berib o'tirdim, Onasining daragi bo'lmadi. Qidirib-qidirib, boyagi ayolni topib oldim.

- Yur, bolangni olgin, - dedim. Ayol:

- Mening bolam emas, seni tanimayman, bolani ham tanimayman, - dedi.

Bolani ko'tarib ikkovimiz ushlab, qozining oldiga bordik. Qoziga:

- Mana bu ayol bolasini mendan olmayapti, - dedim.

Qozi ayolga: "Bolani ol", dedi. Ayol: "Mening bolam emas", dedi.

Qozi: "Bolani o'rtaga o'tqazib qo'yinglar, chaqiringlar, bola kimga borsa o'shaniki", dedi.

Onasi: "Oh beraman", desa, bola bormadi. Men: "Kel ukajon uzum beray", desam bola menga qarab keldi. Qozi bolani sen ol", deb menga hukm qildi. Bolani ko'tarib ketayotsam, kampir yonimga kelib: "Bolam, qo'y, xafa bo'lma, ikkimiz ona-bola bo'lib qo'ya qolaylik, deb uyiga olib bordi. Men unikida yurdim. Oradan bir necha vaqt o'tgandan keyin momomni ham topib olib, birga yashadim.

Noshud bola

Tovuqlarni boqib o'tirgan edim, uyqu bosa berdi. Boboyning tovuqlarini qush olib ketmasin deb, barini bir ipga bir oyog'idan bog'lab, uchidan ushlab yotdim. Bir qush kelib qirqtasini olib ketibdi. Bobom meii uradi, deb u yerdan ham qochib ketdim. Sa'di Voqqos degan qishloqqa bordim. Bir Begmat ovchi degan qushboz bor ekan. Dalada uning xizmatini qilib yurdim. Bir kun uyiga jo'nar ekan, qo'limga bir miri berib:

- Qushga ovqat olib ber, - dedi.

Men qushga nima ovqat olib beraman, deb so'ramabman. U ketgandan keyin qarasam qushning tagida oq narsa turgan ekan. Bu qatiq ichar ekan, deb qishloqma-qishloq yurib, bir xurma qatiq olib kelib berdim. Qatiqni ichmadi. Bu nimaga ichmaydi, deb kallasini xurmaga

- E, chorvador bolasi ekansan. Kush tili bilmas ekansan, - dedi.

Yana ovchining xizmatini qilib yura berdim.

Kundan-kun o'tdi, ovchi meni o'zi bilan birga ovga olib chiqdi, qo'limga bir qush, bir xalta berdi, bir tozi, bir po'stin berdi. Po'stinni kiftimda ko'tarib, tozini yetaklab, xaltani qo'ynimga solib, qushni bir qo'limga olib bir qirga qarab o'rladim.

Ovchi menga:

- Tulki chiqsa tozini qo'yib yubor, kaklik chiqsa qushni qo'yib yubor, - deb tayinladi.

Ovchi otliq, men esa yayov toqqa chiqdik. Po'stinni ko'tarib charchadim, tozining ustiga yopdim, po'stin turmadi, bir yengini tozining kallasiga bog'lab, tozining beliga aylantirib o'rab qo'ydim. Qushni ko'tarib qo'lim toldi, xaltaga solib ko'tarib oldim. Borayotib

qolibdi-da, deb olib ko'rsam, qush dimiqib o'lib qolibdi. Ovchi meni o'ldiradi deb qochib ketdim.

Yurib-yurib bir boynikiga bordim, Uning xizmatini qilib yurdim. Bu boyning bir xachiri, bir yo'rg'asi bor ekan. Bir kun yo'rg'asi kasal bo'ldi.


- O'g'lim, mol harom o'lmasin, - dedi.

Men oldimga chiroq yoqib, pichoq qo'yib yotdim. Bir vaqt turib qarasam, "patir-patir" bo'lib yotibdi. Chiroq o'chib qolibdi. Borib chiroqni yoqmasdan, boshini shartta kesib yubordim. Chiroqni yoqib qarasam, xachirning boshini kesib qo'yibmanu, kasal ot turibdi. Boy meni ertaga o'ldiradn, deb bundan ham qochib ketdim.

Tong otganda Yangiqo'rg'on bozoriga bordim. Ko'chada oralab yurdim. Bir ayol:

"Бунёдкор" стадиони Шакирасиз очилди

Тошкентда 2012 йил 28 сентябрь куни "Бунёдкор" спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, ҳукумат аъзолари, дипломатик корпус вакиллари ҳамда футболчи ва футбол ишқибозлари қатнашди.



Ўзининг 100 йиллигини нишонламоқда", деди давлат раҳбари.

"Бунёдкор" спорт мажмуаси ўз ичига 56 гектар майдонни эгаллаган 7 та замонавий майдон, болалар-ўсмирлар футбол мактаби, бассейн ва бошқа замонавий иншоотларни қамраб олган.

Кейин майдонга мамлакатнинг етакчи футбол клублари "Бунёдкор" ва "Пахтакор" майдонга тушди. Футболчилар қизиқарли ўйинни намойиш этишди. Тадбир ўзбек қўшиқчиларининг байрам концерти билан яқунланди.

Тантанали воқеа якунида минглаб тошкентликлар мушакбозликни томоша қилиш имконига эга бўлишди.

Тадбирда Президент нутқ сўзлаб, ўзбек футбол лига омад тилади. "Бугун биз мамлакатимиз тарихида чуқур из қолдирадиган тарихий воқеа - ажой-

иб, бетакрор "Бунёдкор" спорт мажмуасининг очилиш маросимида қатнашяпмиз. Ушбу воқеанинг аҳамияти ва маъноси яна шундаки, ўзбек футболли

Pera Cafe Lounge

Every guest, who chooses Pera Cafe Lounge leaves happy!

2255 Emmons Av Brooklyn, NY
718 676 2992

BRAMSON ORT COLLEGE

www.BramsonORT.edu

QUEENS CAMPUS
69-30 Austin Street, Forest Hills
866-644-2925
Zoya Yakubova ext. 178

BROOKLYN CAMPUS
8109 Bay Parkway, Brooklyn
866-854-5014
Tatyana Golavko ext. 233

- ACCOUNTING
- PARALEGAL
- BUSINESS & HOTEL MANAGEMENT
- BUSINESS MANAGEMENT ONLINE DEGREE
- ADMINISTRATIVE ASSISTANT
- MEDICAL ASSISTANT
- PHARMACY TECHNICIAN
- PROFESSIONAL BILLING AND CODING
- ELECTRONICS TECHNOLOGY
- HVAC & CADD
- RENEWABLE ENERGY TECHNICIAN
- COMPUTER NETWORKING
- COMPUTER PROGRAMMING
- GRAPHIC DESIGN
- GAME DESIGN & PROGRAMMING
- WEB DESIGN & WEB ANIMATION
- ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE

GET YOUR DEGREE!

LOW TUITION!

REGISTER TODAY

EDUCATION is The SECRET to SUCCESS!

Invest in YOUR FUTURE!

OPEN HOUSE EVERY WEDNESDAY

✓ ПОМОГАЕМ В ТРУДОУСТРОЙСТВЕ

✓ ОКАЗЫВАЕМ ФИНАНСОВУЮ ПОМОЩЬ

✓ КЛАССЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ

✓ ДНЕВНЫЕ, ВЕЧЕРНИЕ И УТРЕННИЕ КЛАССЫ

The Bramson ORT Programs Gainful Employment Disclosures are posted on www.BramsonORT.edu